



РАСУЛУЛЛОҲНИ (С.А.В) СЕВИШ ИЙМОННИНГ ШАРТЛАРИДАНДИР



(Исломи дини ва Муҳаммад (сав)га қарши қилинган янги фитнага муносабат ўрнида)

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим Муҳаммад (сав) ҳеч шубҳасиз инсонларнинг энг яхшиси ва энг буюғидир. Бу нафақат мусулмонлар, инсофли ва ақлу ҳуши жойида бўлган барча инсонлар тарафидан эътироф қилинган ҳақиқатдир.

“Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир. У билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳимдилдирлар. Уларни Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб, рукуъ ва сажда қилган хоҳларини кўрурсан. Уларнинг сиймоси сажда асаридан юзларида (мавжуддир).” (Фатҳ сураси 29)

Ушбу ояти карима Муҳаммад (сав) Аллоҳнинг пайғамбари эканликларига очиқ далилдир. У ҳолда бир пайғамбар кимдир? Пайғамбарлар Аллоҳ таоло инсонлар орасида танлаб олган ва улар орқали инсониятга Ўз ҳақиқатларини билдирган буюк зотлардир. Нуҳ (ас), Иброҳим (ас), Муса (ас), Исо (ас) мана шундай буюк пайғамбарлардир. Муҳаммад (сав) эса мана шу пайғамбарлар келтирган ҳақиқатни тасдиқловчи ва инсонларга Аллоҳ таолонинг сўнг китобини, яъни Куръони Каримни келтирган буюк зот ва буюк пайғамбардир. Муҳаммад (сав) Аллоҳ таолонинг сўнгги пайғамбаридир. Бунинг далили ушбу ояти каримадир:

“Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва Набийларнинг сўнггисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир”. (Аҳзоб сураси 40 оят) Пайғамбаримиз (сав) биз мусулмонлар учун буюк ўрнак, яъни ягона эргашиладиган зотдир. Бунинг далили ушбу ояти каримадир:

“Батаҳқиқ, сизлар учун—Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди.” (Пайғамбаримиз (с.а.в.) аҳзоб урушида ҳам, одатдагидек, энг гўзал намуналарни кўрсатдилар. Хавф-ҳатар тасвирлаб бўлмайдиган даражада катта эканига қарамай, заррача кўркмасдан, Мадинани ҳимоя қилишга чиқдилар. Салмони Форсийнинг (р.а.) фикрларини қабул этиб, ҳандақ қазишни бошладилар. У зот (с.а.в.) шундай хатарли ва нозик бир пайтда мўмин-мусулмонлар учун ишонч, орзу-умид, хотиржамлик тим-солига айландилар.) Пайғамбаримиз (сав) мусулмонларга уларнинг ўзларидан, ота оналаридан, бола чақаларидан, хулласки дунёдаги бутун жонзотлардан суюкли ва яқиндир:

“Ҳеч шубҳасиз, сизларга ўзингиздан бўлган, сизнинг машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизнинг (саодатга етишингизга) ташна, мўминларга хатарли ва нозик бўлган Пайғамбар келди. (Ояти каримада Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) асосий сифатларидан бир нечаси зикр қилинмоқда. Дунё тарихида У зотдек (с.а.в.) кишиларга марҳаматли, меҳрибон инсон бўлган эмас. Бу улкан ҳақиқатни Пайғамбаримиз (с.а.в.) сийратлари ва ҳадисларидан билиб оламиз.)” (Тавба сураси 129)

Ҳақиқатан ҳам инсоният тарихида Расулуллоҳ (сав) каби эътиқодли, инсонлар ишонадиган, тавозе соҳиби, одобли, марҳаматли, ҳар доим ҳаммага, фақат мусулмонларга эмас, инсон зоти борки барча барчага яхшилик қилувчи зот бўлмаган. У Зот (сав) инсонлар орасида Муҳаммадул Амин, яъни инсонлар бекиёс даражада ишонадиган инсон сифатида танилган эдилар. Муҳаммад (сав) аминликлари шу даражада эдики, ҳатто душманлари бўлган Макка мушриклари ҳам ўз омонатларини у Зот (сав)га бериб қўяр эдилар. Ўзларини (сав) хижрат кетишга мажбур қилган мушрикларга уларнинг омонатларини эгаларига беришни Али (ра) амр қилган эдилар. Бутун инсоният тарихида душманлари ўз омонатларини топшириб қўйган зот фақат Муҳаммад (сав)дир.

(Давоми 8-бетда)

ТАРИХ ИНСОНГА ҚАНЧА САБОҚ БЕРМАСИН, ИНСОН ТАРИХДАН ҲЕЧ САБОҚ ОЛМАЙДИ

Агар ўз гоёси йўлида ҳатто қатл қилинган инсонни мағлуб санайдиган бўлсак, у ҳолда, ўша 1937 йил қатл қилинган ўзбек зиёлилари, Қодирий ва Чўлпонларнинг ўлими – уларнинг мағлубияти, қотилларнинг галабаси дея талқин қилиши керак бўларди. (2-бет)

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНАДИГАН ГАПЛАР

Мунофиқлик тирикчиликнинг беағи бўлганига неча ўн йил, ёки юз йил, балки неча аср тўлганлигини ким аниқ билади ахир?! Ҳаммага бирдай ёқши керак ва бу мақом фақат энг қадимги “ҳунар” эгаларига, ҳамда мунофиқларгагина насиб этаркан. (3-бет)

МАҒЗАВА ЎРАГА ОҚАДИ

МХХ ўтган йили мени ўзлари билан ҳамкорлик қилишга даъват этганларида рад қилгандим. Тагин бу ҳақида интернет тармоғида маълумот тарқатдим. Худди ўша кундан менга нисбатан таъқиб ва тазйиқлар кучайиб келаяпти. (7-бет)

ЯҚИН “ХОРИЖЛИК” ЎЗБЕКЛАР

Хорижда туғилиб ўсган ўзбекларнинг афзаллиги, балки бахти – Каримов йўқ уларнинг устида, шунинг ўзи етарли, қолганини ўзлари тузатиб олаверади. (9-бет)

ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ МОЖАРОСИ СИЁСИЙ ТУС ОЛМОҚДА

Қирғизистон Ташиқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон чегарачилари томонидан қирғиз фуқаросининг отиб ўлдирилишига норозилик сифатида расмий Тошкентга нота жўнатди. (11-бет)

ЖОҲИЛЛИКНИНГ ЧЎҚҚИСИ

Диктатор Каримовнинг жоҳиллиги бундай ақлли сиёсат ўтказишига монелик қилади, албатта. Агар минтақамиздаги давлатлар орасида Каримов айтаётгандек уруш чиқадиган бўлса, буни ҳам мана шундай жоҳилликнинг чўққиси, дея баҳолашимиз мумкин (12-бет)

1. Бугунги мухолифат билан олдинги мухолифатнинг фарқи нимада?

Шахслардаги, шахсиятлардаги фарқлардан ташқари, замон ва макондаги фарқларни айтиш ўринлироқ. Фитрат давридаги мухолифат (агар замонавий “мухолифат” атамаси доирасига сиғдирсак) локал эди, яъни Туркистон минтақаси билан чекланган эди ўз фаолиятида, рақиб эса, аксинча, бундай чекланишдан холи бўлиб, ўз рақибларини ичдан НКВД машинаси воситасида ҳамда ташқаридан Ғарб империалист кучлари билан махфий келишган ҳолда тор-мор этишга эришди. Албатта бу билан масала ҳал бўлди деб бўлмайди, чунки ички душман излаш билан жамият иккига иккига бўлиниб, заифлашади, ташқи рақиб қаршисида эса жипслашади ҳамда кучаяди. Айнан шу заифлашган жамият бошига Иккинчи Жаҳон Уруши тушди, ва айнан шу уруш сабабли, яъни ташқи душман қаршисида жамиятда ниҳоят жипслашиш юз берди.

Бугунги ўзбек мухолифатининг аҳволи ҳам унчалик ўзгаргани йўқ, у биринчидан ҳануз локал, ваҳоланки, қаршисидаги рақиб аллақачон глобалист даври келганини жуда яхши англаган ҳамда бундан жуда унумли фойдаланмоқда. Каримов режими гоҳ Россия, гоҳ Хитой, гоҳ Ғарб билан ҳамкорлик қилади, аммо мухолифатдаги қайси гуруҳ Россиянинг ёки Ғарбнинг мухолиф кучлари билан амалдаги ҳамкорликни йўлга қўйган?

Бугун мухолифат қаршисидаги кучлар – сиёсий иқтидордаги доиралар ўзаро яқин ҳамкорлик қилаётган эканлар, уларнинг мухолифлари тарқоқ ҳолда бирор натижага эриша олиши даргумон.

Яна бир жиҳати, мухолиф кучлар ўз ичидан душман ахтаришни бас қилишлари лозим. Албатта, шахслар орасида ўзаро баъзи келишмовчиликлар бўлиши табиий, лекин сиёсий ташкилотни, унинг фаолиятини шахсий адоватлар йўлида ишлатишга уриниш - узокқа олиб бормайдиган усул, ва менимча ҳатто тубанликдир.

2. Уларнинг хатолари нималардан иборат?

Муросани умид қилиш. Сиёсий рақиб билан курашга отланган куч ўз олдига қўйгани мақсадини аниқ ва узил-кесил англаб олиши лозим: бу кураш шунчаки гап-сўз эмас, балки ҳаёт-мамот жангидир. Бу йўлда жон фидо этишга рози бўлмаган одамлар бугунги золим режимлар қаршисида чиқишга даъво қилмасинлар. Акс ҳолда барча уриниш охирига етмай, илк хавф-хатар, илк синов келиши биланоқ тугаб қолаверади. Оқибатда сиёсий кураш мавзуси бемаъни ўйин ва сохтакорликка айланиб боради.

Барча фаолият фақат ўз ўзини сақлаш ва ўз нуқсонларини яширишга

йўналган уриниш бўлиб қолади. Биргина мисол, “Андижон ташкилоти”, қандай бошланган эди-ю, бугун қай аҳволда.

Аваллги мухолифат большевиклар билан муроса қилиб, охири алданган эди, кейин Сталиндан умид қилинган яхшилик умиди. Бугун ҳам жуда кўп мухолиф кайфиятидаги ўзбеклардан “Яхши бўп қолар” деган гапни кўп эшитиш мумкин. Ҳануз вазиятнинг қандайдир ўз-ўзидан, вақт ўтиши билан яхшиланиб кетишига умид қилади улар. Бу ўтмишдан сабоқ

бўлди, “диктатор”га чиқди, биттаси тумтаракай қочса, бошқаси судланди, яна бири ер қатл этилди. Аммо уларнинг бир неча ўнйиллаб давом этган зулмлари пайтида ҳам барибир уни “ЗУЛИМ” деган, унга қаршилиқ турган кучлар мавжуд бўлган, оғир ва қийин шароитларда бўлса-да, ўз курашини давом эттирган ва ўз ғоясига содиқ қолган шахслар йўқ бўлмаган. Бошқа тарафдан эса, ўларни маломат қилишга, уларни курашдан қайтаришга, ўз ғоясидан воз кечтиришга уринган кучлар, режим хизмат-

ТАРИХ ИНСОНГА ҚАНЧА САБОҚ БЕРМАСИН, ИНСОН ТАРИХДАН ҲЕЧ САБОҚ ОЛМАЙДИ

Яқинда dunyoovozi.blogspot.com блоги менга бир неча савол йўллабди. Аммо уларга жавоб бериб улгурмасимдан, мазкур блог негадир ёпилиб ҳам улгурибди. Шунинг учун мен тайёр жавобларни ўз шахсий блогимда эълон этишга қарор қилдим. Бошқаларники ёпилса-да, бизнинг блог иншоаллоҳ ёпилмайди, зеро айтилажак ҳали кўп сўзимиз бор. Зотан блогимиз шиорида ёзилганидек, **«Айтилмаган сўз – отилмаган ўқ».** (Қамолитдин Йўлдош «Эркин Юрт» масъул муҳаррири)

олмаслик, ва замон устида мушоҳада қилмасликдир. Вақт ўтиши билан вазият фақат қийинлашади ва золимнинг зулми кучайиб бораверади, буни мухолифат англаб этиши ва бунга ҳозирлик кўрмоғи керак.

3-4. Хатоларда ўхшашлик борми? Қайси бирида кўп хато бор?

Хатоларда нафақат ўхшашлик бор, балки айни хатолар такрорланмоқда холос.

Аваллги мухолифатга нисбатан бугунги мухолифатда имконият кўпроқ, камида ўз хатоларини тузатиш имкони мавжуд, шунинг учун хатоларни кўргач, уларни ўнглашга ҳаракат қилиши лозим. Аммо афсуски, бугунгача тарих инсонга ҳар қанча сабоқ бермасин, инсон тарихдан ҳеч қачон сабоқ олмаган.

5. Хатоларни тузатишда бирламчи чоралар?

Ўзининг сиёсий кўзкарашини, ҳадафини, фаолиятининг охирига натижаси қандай бўлишини қайта кўриб чиқиши, мақсадларини аниқ белгилаб олиши, шунга кўра изчил ҳаракат қилиш ҳамда мақсаддан тўсувчи омилларга чалғимасликни ўрганиши лозим.

БОНУС САВОЛ: 6. Даврингиз подшоҳини ёмонлаш акциясини қай даражага кўтардингиз ва бундан бирор фойда бўлдими?

“Давримиз подшоҳи” деб Бен Али ҳам, Ҳ.Муборак ҳам М.Қаддафий ҳам узок йиллар нисбатланиб келинганди, улар “Худонинг ердаги сояси” экани, уларга қарши чиқиш осийлик, ношукрлик ва беҳуда кон тўқиш дейиларди, аммо бу “енгилмас куч”лар аслида сохта ва пуч экани бирпаста ошкор

чилари ҳам бўлганини унутмайлик.

Бугунги золим ҳукмдорларнинг ҳеч бири давримиз подшоҳи бўлолмайди, чунки уларнинг ўша “подшоҳ”лиги зулм ва ёлгон устига қурилгандир, шунинг учун эртамикечми, барибир қулайди, ўтмишга айланади, зотан айланмоқда.

Саволнинг иккинчи қисмига келсак, золимнинг зулмини “ЗУЛИМ” дейишда фойда кўзланмайди. Аслида, “Золим”, “Зулм” тушунчалари келиб чиқишига кўра диний категориялардир, ҳамда уларга қарши кураш ҳам ҳамма даврларда дин амри, иймон амри бўлиб келган, мусулмон киши учун эса золимга қарши кураш буюрилган, ғалаба шарт қилинмайди. Мусулмон “сафардан масъул, зафардан эмас”. Натижа эса, инсоннинг илқида бўлмайди.

Бошқа тарафдан, агар ўз ғояси йўлида ҳамма нарсадан маҳрум қилинган, ҳатто қатл қилинган инсонни мағлуб санайдиган бўлсак, демак биздаги кадрийат ва ўлчовларда муаммо бор, акс ҳолда, ўша 1937 йил қатл қилинган ўзбек зиёлилари, Қодирий ва Чўлпонларнинг ўлими – уларнинг мағлубияти, қотилларининг ғалабаси дея талқин қилиш керак бўларди. Бугун бунинг том аксига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мабодо золимга қарши курашдан бирор фойда тамаъ қилган одам бўлса, зулмга қарши чиқишдан ўзини тийсин, муроса ва конформизм йўлига ўтсин, шунда кўзлаган мақсадига эришади, ўзини ҳам, ўзига эргашган ё ишонган кишиларни алдашдан ҳам халос бўлади. Аммо золимнинг даври тугаганда, уларнинг ҳам даврига нукта қўйилади.

Кулоққа чалинадиган гаплар бўлади. Бири сизга ёқади ва яна бири эса йўқ. Баъзиларига эса бефарқ қарайсиз.

Кулоққа чалинадиган гаплар бўлади, асабингизни қақшатади ва “нега шундай?” деган саволга олиб келади. Негалигини сира сира аниқлай олмайсиз. Чунки баҳона бисёр, ваз кўп. Афанди айтган экан, “агар янги ковушим йиртилиб қолишидан кўркамганимда, уни кийиб шудгорга оралаган бўлардим”. Бу ҳам бир баҳона! Каминани яхши одам санагувчилар ҳақида ҳам баъзида эшитиб қоламан. Булар ҳам юқорида айтганимиздек, кулоққа чалинадиган гаплар ва уларга эътибор қаратишни истамайман. Нега дерсиз? Негалиги шундаки, бу гаплар мутлоқ ёлғон! Ишонаверинг, ёлғон! Мен яхши одам эмасман ва бу мақомга даъво қилмоқчи ҳам эмасман. Ёмонлигим шундаки, муғамбирликни билмайман, қила олмайман. Масалан, камина ўғри эмасман. Бу қонунлардан, ёки шариатдан кўрққанни учун эмас, шунчаки ўғирлик қилишдек бир ҳунарни яратган Эгамиз менга раво кўрмаганлиги учун. Муғамбирлик шайтоннинг хислати дейдилар, буни қарангки, каминага шайтон ҳам ўзининг шу хислатини раво кўрмабди ва бундан ҳам мосуво қолибман. Камина уйимдаги эски гиламинни иккига бўлиб, бошқа бировга сотиб юбора олмайман. Бундан ор қиламан эмас (пул топишнинг ори борми?), шунчаки бошқа бировни алдай олмайман. Айтайлик, кимдир бировнинг ертўлада ётган велосипедини ўғирлаб, рангини ўзгартириб, кейин



Тўлкин Қораяев

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНАДИГАН ГАПЛАР

уни бошқа бировга сотиб юбориш ҳаёлимнинг кўчасидан ўтмайди. Буни қарангки, “ўғри” деган номдан қутилиш учун мамлакатни тарк этган бошқа бир одамнинг номини келтириш мумкин экан ва бундай ишни қила олмайман. Ахир охири замон пайгамбири Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам айтган эдилар: “Ўзига раво кўрмаган нарсасини бошқа бировга раво кўрадиганлар бизлардан (мўминлардан) эмаслар”. Баъзи бировлар айтишар эканки, мен мусулмонман ва ҳақ йўлида курашга чиққанларданман.

Бўлмаган гап! Бу ғирт ёлғон ва биров шундай деса асло ишонманг. Мусулмон бу Оллоҳ йўлида жонини ҳам қурбон қилиб юборишга тайёр зот дегани. Мең ундайлардан эмасман. Масалан, Ўзбекистон деган юртда минглаб мусулмонлар қамокларда азоб тортишяпти. Қайнок сувларга ташлаб ўлдириляпти, тепкиланап-

ти. Парвоимга ҳам келаётгани йўқ! Ундан кўра тирикчилигимни ўйласам яхши эмасми? Масалан, фалон жойдан фалон нарсани сотиб олиб, кейин уни писмадон жойда устама нарҳида бошқа бировга сотсам қони фойда-ку.

Ахир айтадилар-ку: тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур.

Масалан, мусулмонлар Оллоҳга таваққал дея курашга чиқишаркан, жонларини хатарга қўйиб бўлса ҳам, диндош биродарларини ҳимоя қиладилар. Мен ундайлардан эмасман ахир! Мусулмон бўлса бўлибди, Оллоҳдан сўрасин, мен ҳам сўрайман ва дуода бўламан.

Иншооллоҳ яратганининг ўзи у биродаримизни ҳимоя қилади, нажот беради! Агар ўлса шаҳид кетади, тирик қолса ғозий бўлади. Жаннат дарвозалари бундайлар учун ланг очик экан. Узим эса жаннатни орзу қилмайманки, фақат ўз манфаатимнигина кўзлаб яшайман. Демакки, каминани биров ҳақ йўлдаги диндорлардан дейишса асло ишонманг! Яна шундайлар бор, мени “кофир бўлганлардан” дейишадди. Албатта бу ҳам кулоққа чалинган гаплардан ва буниси ҳам ғирт тухмат! Ахир кофир бўлган зот дини Исломга қарши курашмайди? Йўқ! Адашасиз ҳурматли ватандош, бу унвон ҳам каминага хос эмас экан. Балки кофирликка яқинроқ юргандинман. Масалан, “Ўзбекистонда диктатура режимини ағдариш учун ҳар бир ўзбекистонлик ўзини сафарбар қилсин” дея. Кофир бунақа бемаъни, аҳмоқона даъватни қилади деб ўйлайсизми? Йўқ, асло!

(Давоми 7-бетда)



Туркиянинг Истанбул шаҳрида расмий Тошкент томонидан ватанига қайтарилгани сўралган қочқин Шомуроджон Қосимовнинг чоршанба кунини бўлиб ўтган иши яна икки ойга кечиктирилган. Қосимовни Ўзбекистон, хусусан, конституцион тузумга тажовуз, ноқонуний гуруҳлар тузиш, қурол сақлаш ва Исломий давлат қуриш каби айбларда айблаган. Айбланувчининг ҳимоячиси Абдулҳалим Йилмаз ҳақамга ўз мижози Ўзбекистондаги зулм ва таъқиблардан қочиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар бўйича агентлигига ариза топширганини ва шу сабабдан Туркия Қосимовни Ўзбекистонга топширишга ҳақли эмаслигини даъво қилган.

Ҳақам БМТга берилган ариза масаласига аниқлик киритиш учун Қосимов ишини икки ойга, 14 ноябрга кечиктирган. Шомуроджон Қосимовнинг ўзи келгуси икки ой давомида махсус жамлоқда ушлаб турилиши қарор қилинган, бироқ унинг икки фарзанди ва ҳомиладор аёли озодликда қолади.

ТУРКИЯДАГИ ҚОЧҚИННИНГ ДЕПОРТАЦИЯ ИШИ КЕЧИКТИРИЛДИ

Би-би-си 19 августда Туркия бир қатор ўзбекистонликларни депортация қилишни режаляётгани ва бу Туркиядаги ўзбек қочқинлар орасида ваҳимага сабаб бўляётганини хабар қилганди.

Ўзбекистон халқ ҳаракатининг матбуот воизи, журналист Камолиддин Йўлдошнинг Би-би-сига маълум қилишича, ҳибсга олинган ва депортацияга юз тутган қочқинлар орасида бўлган эр-хотин Мухаммадали Абдурахмонов ва Фотима Абдураззоқованинг учинчи давлатга чиқариш қарори қабул қилинган. Бахтиёр Алимов исмли яна бир қочқин озод қилинган.

Сал аввалроқ 2006 йилдан бери БМТ қочқини мақомига эга бўлган Ботир Қодиров ҳам озод қилинган хабар қилинган. Мазкур қочқинлар ҳам конституцион тузумга тажовуз ва диний-экстремистик ташкилотларга аъзолик айбларига юз тутганлар.

Туркияда вақтинчалик бошпана топган қочқинлар одатда Туркияда БМТнинг қочқин мақомини олиш ва учинчи давлатга жойлаштирилиш тартиби ўта қийин ва узоқ жараён эканидан шикоят қилиб келадилар.

Камолиддин Йўлдош умуман

ўзбек қочқинлар сони кўпаяётганини айтади. “Бошпана олганлар бор. Туркиянинг Сурияга яқин Ғазантеп шаҳрида Марказий Осиёдан келган қочқинларнинг алоҳида лагери бор. У ердаги энг кўп қочқинлар Ўзбекистондан келган қочқинлар. Кейинги пайтда Қирғизистондан келган ўзбеклар ҳам у ерда кўпайишни бошлади. Лекин, шунда ҳам энг кўп ўзбекистонликлар. Улар бошпана оляпти, ҳар ҳолда”, – дейди у.

Суҳбатдошга кўра, уларнинг аниқ сони борасида маълумот йўқ. Ундан ташқари, кўплаб қочқинлар ноқонуний ва яширин тарзда, расмий идораларга мурожаат қилмай “бир кунини кўриб юради”.

Жаноб Йўлдошнинг билдиришича, охириги вақтда Туркиядаги ўзбек қочқинларнинг таъқибга олиниши кучаймоқда. “Ўзбекистон тарафидан талаб кучаяпти. Ўзбекистон нафақат ўзи, балки Интерпол ва АҚШнинг Марказий Истихборот агентлигидан ҳужжатларни келтирмоқчи бўлади, лекин Туркия уларга қара-масдан, барибир ҳам ўзининг халқаро имиджини ўйлайди”, – дейди у.

(Давоми: Боши ўтган сонда)

Чунки инсонларга яшаш ҳаққи бермайдиган, яъни уларнинг ҳаётига зомин бўладиган диктатура ёки сиёсий ва ижтимоий тўп тўполонлар эркинлик ва адолатни таъмин қила олмаслиги маълум. Шунингдек, инсонларни бирор эътиқодга ёки сиёсий ғояга эга бўлишга мажбурлаш, уларнинг мол мулкани талон тарож қилиш ёки инсоний шарафини ва номусини паймол қилиш ҳам эркинлик ва адолатнинг ғояси бўла олмайди.

2. Бир сиёсий ҳаракатга бирлашиш ёки бундай ҳаракат билан ҳамкорлик қилиш. Ҳозирги кунда ЎХХнинг бундай марказий ҳаракат эканлигидан ҳеч кимнинг шубҳаси бўлмаса керак. Истаганлар бевосита ҳаракатимизга аъзо бўлишлари ёки турли йўллар (фикрий, моддий ва маънавий) билан ЎХХни қўллаб қувватлашлари мумкин, албатта. Муҳими мақсаддан чалғимаслик, эркинлик ва адолат йўлида бўлган ҳаракатимизнинг йўлига ғов қўймаслик, унга қарши диктатор Каримов ҳукумати уюштирилган фитналарга иштирок этмасликдир. Қисқача айтсак, ҳаракатимизга фойдаси тегмайдиганларнинг энг камида унга зарарлари ҳам тегмаслиги зарур.

3. Бир сиёсий лидерни қўллаб қувватлаш. Мустақиллик йилларида диктатор Каримовга энг жиддий рақибнинг шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ эканлиги ҳам вақеавий далиллар билан исботланди. Чунки Муҳаммад Солиҳ Каримов диктатурасига қарши толмас ва фидоий курашчи эканлигини исботлади. У бу деспотик режимга қарши сиёсий курашчи ўтади. Бунинг далили унга қарши қилинган тўхмату иғволар, қилмаган жиноятида айбланиб, сиртдан 15 йилга қамок жазосига маҳкум қилиниши, сурганда ҳам таъкиб қилиниши (Прагада қамокқа олиниши, хоирждаги давлатлардан бошқа давлатларга мажбуран чиқариб юборилиши), уч укасининг гаров сифатида узоқ муддат қамокда тутилиши, Ўзбекистон ҳукумати расмий ва норасмий матбуотининг тинмай уни ва у бошқараётган сиёсий партия ва ҳаракатни қоралашидир. Мухолиф сиёсатчилар орасида М.Солиҳнинг Ўзбекистонда ва ташқи давлатларда обрўси катта эканлиги ҳам маълумдир. Шу билан бирга ҳамма мухолифатчиларнинг ҳам Муҳаммад Солиҳ шахсига айна муносабатда эмаслиги ҳам бир ҳақиқатдир. Зотан буни талаб қилиш ҳам ўринли бўлмаса керак. Муҳими диктатор Каримов ва унинг ахлоқсиз кизи Гулнорани М.Солиҳ шахси билан таққослаганда, ҳар қандай виждонли кишининг бундай таққослашда ЎХХ лидерига ён босишидир.

Шунинг учун ҳам Каримов диктатурасидан нафрат қиладиганларнинг, М.Солиҳ шахсига муносабатидан

қатъий назар, эркинлик ва адолат йўлида ЎХХ раҳбарини бевосита ёки билвосита қўллаб қувватлашлари ҳозирги шартларда зарурийдир. Муҳаммад Солиҳни сиёсий эгоизмда (худбинликда) айблайдиганларга у амалий жавоблар берган. Бирлик ҳаракати ва Эрк партияси, Ўзбекистон Демократик Форуми ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракатлари бевосита унинг раҳбарларигида ва иштирокида тузилди. Бир сиёсий “эгоист”нинг умумни бирлаштириш йўлидаги бу



КАРИМОВНИ ҲАММА ЁМОН КЎРАДИ, АММО...

хатти ҳаракатларига эътибор қаратмай, унинг шахсини турмасдан ерга уришни ҳақ танимаслик, дея баҳолаш мумкин, холос. Айтиш керакки, Каримов диктатурасига қарши бўлиш оддий мухолифлик эмас, бир миллатнинг асрлардир давом этган жаҳолат ва зулмдан қутулиш учун қилаётган ижтимоий сиёсий ҳаракатидир. Бундай ҳаракатга раҳбарлик қилаётган сиёсатчи фақатгина мухолиф раҳбар эмас, миллий озошлик ҳаракатининг раҳбари ҳамдир. Унинг масъулиятининг ўлчови ҳам албатта шунга мос бўлиши керак.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин асосан мухожирликда ўтган йиллар ҳаммамизнинг, шу жумладан М.Солиҳнинг шахсида ва дунёварашида ҳам маълум ўзгаришларга сабаб бўлди. Мен бу ўзгаришларини худудий масофани ҳисобга олмасак, халқимизга яқинлашиш, дея баҳолаган бўлардим. Ҳа, мухожирлик ҳаёти бизнинг халқимизнинг кадриятларини, тарихини ва бугунги воқеалигини янада чуқурроқ ўрганишимизга восита бўлди.

Бу орқали биз халқимиздан узоқлашмадик, аксинча руҳан ва фикран унга янада яқинроқ бўлдик. Не тонгки, ўзини ўзбек халқининг отаси, юртбоши, қизини эса ўзбекларнинг маликаси, балки яқин келажакда онаси, дея эълон қилаётган ёки қилишга ҳозирланаётган диктатор Каримов ва оиласи бу йиллар давомида биз мухолифлар халқимизга яқинлашган нисбатда улар халқимиздан узоқлашдилар...

Халқимизга бундай яқинлашишнинг М.Солиҳ шахсиятидаги кўриниши унинг, кўпгина мухожир биродарларимиз шахсида

бўлгани каби, муслмонлигининг ортганлигидир. Айнан муслмонлигининг, аммо Каримов пропаганда машинаси иддоа қилаётгандек, радикал қарашларининг эмас. Бекорга халқимиз “мухожир бўлмадинг, муслмон бўлмадинг”, демаганку. Шу билан бирга бизнинг муслмонлигимизнинг ортганлиги эркинлик, адолат, инсон ҳуқуқлари ва ҳаммага тенг ҳуқуқлар берадиган фуқаровий жамиятга бўлган иштиёқимизни ҳам ортганлиги бир ҳақиқатдир. Менинг кузатишимча М.Солиҳнинг мухолифатдаги мухолифлари унинг фикрлари, ижоди, сиёсий ташаббусларидан кўпроқ фақат унинг шахсий хусусиятларига эътибор қаратадилар. Ҳолбуки, мен танийдиган М.Солиҳнинг ғояси нима қилиб бўлса ҳам диктатор Каримовнинг тахтига ўтириш эмас, Ўзбекистон халқининг озошлиги, халқимизнинг маънавиятига, миллий кадриятларига, шону шарафига ярашадиган бир эркин ва адолатли жамиятнинг ўртага чиқишидир. Бу маънода қадарнинг ҳозиргача аён бўлган ҳақиқати биринчидан, М.Солиҳга диктатор Каримовдек бир ғаддор давлат раҳбарига мухолиф бўлиш, иккинчидан эса агар Аллоҳ насиб қилган бўлса, Каримов диктатурасидан адолатли жамиятга ўтиш даврида мамлакатимизга раҳбарлик қилишидир. Албатта, бундай раҳбарнинг ким бўлишига эркин ва адолатли сайловларда халқимиз қарор беради. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, бу ўтиш даври диктатуранинг ўрнига келадиган янги ҳукумат учун ҳам, бу ҳукуматнинг раҳбари учун ҳам осон бўлмайди. Деярли чорак асрлик қақшатқич зулм эркинлик ва адолатнинг қайтадан тантаъна қилиши учун силлик замин яратмади. Диктатура четга улоқтирилгандан кейин унинг меросини, унинг занжирини миллатнинг бўйнидан олиб ташлаш осон бўлмаслигини сиёсатга алоқаси бўлганлар албатта яхши тушанадилар. Мана шундай диктатурага қарши кураш ва унинг ўрнига адолатли жамиятни қуришда ўтиш даврини бошқариш учун халқимиз ва халқаро жамият танийдиган кучли бир сиёсатчига эҳтиёж бор. Ҳозирда М. Солиҳдан бошқа бундай номзодликка даъвогорни шахсан мен кўрмайман...

Демак, мавжуд шароитда Ислоҳ Каримов ва унинг оилавий диктатурасига қарши бўлганларнинг ЎХХ ва унинг раҳбари атрофида бевосита бирлашиши ёки биз билан билвосита ҳамкорлик қилиши бугуннинг талабидир. Бундай ҳамкорлик Каримов диктатурасига қаршиман, ЎХХни қўллаб қувватлайман ёки бу ҳаракат билан истамасам ҳам эркинлик ва адолат йўлида ҳамкорлик қилишим мавжуд шартларда зарурийдир мантиқининг натижаси бўлиши, керак деб ўйламайман.

Намоз Нормўмин

Инсон ҳақлари ҳимояси билан шуғулланадиган “Фукаровий кўмак” кўмитаси раҳбари Светлана Ганнушкина ва кўмита адвокатлари Ўзбекистон элчихонасини ўз фуқаролари тақдири билан мутлақо қизиқмасликда айблади.

13 сентябр куни Моквадаги Мустақил матбуот марказида “Фукаровий кўмак” ташкилотининг “Жиноий ишлар қалбакилаштирилиши. Кеча, бугун, эрта?” деб номланган махсус матбуот анжумани бўлиб ўтди.

“Фукаровий кўмак” кўмитаси раиси Светлана Ганнушкина мухбирлар диққатини Россия ҳуқуқ-тартибот идораларининг жиноий ишларни оммавий равишда сохталаштириш амалиёти одат тусига кириб қолгани ва бунинг қурбони этиб асосан аҳолининг муайян қатлами танланаётганига қаратди:

- Тўғри, Шўролар даврида ҳам давлат бу усуллар ёрдамида муайян жиноятларга қарши курашиш кампанияларини ташкиллаштириб турарди. Кейинроқ сохталаштириш асосидаги қама-қамалар бироз қаймади. Янги давр жиноий ишлар қалбакилаштирилиши 2-чечен уруши давридан бошланди. Бу кампания ғилдираги остига асосан қурол-ярқоти сотиш ва террорчиликда айбланган кўплаб бегуноҳ одамлар тушди. 2000 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳуқуқ-тартибот органлари жиноий ишларни сохталаштиришни яна авж олдириб юборди ва бу кампания қурбонлари этиб ҳуқуқсиз мигрантлар, кавказликлар, сиёсий муҳолифат намояндлари, мусулмонлар каби аҳоли қатламлари танланди, дейди Светлана Ганнушкина.

Сохталаштирилаётган жиноятлар юзасидан айбланган шахслар ишлари, албатта, судга етиб боради ва қандай исбот-далил келтиришингиздан қатъий назар, суд уларни узок муддатларга ҳукм қилиб юбормоқда, дея давом этади Ганнушкина.

- Маълум бўлишича, ҳозирда жиноий ишнинг тергов этилиши шарт эмас. Терговчининг асосий вазифаси – қандай йўллар билан бўлса ҳам ишни судга ошириш! Бунинг учун жуда ўхшатиш ҳам шарт эмас, суд ўзига юклатилган вазифани аъло бажаряпти. Яъни, бу ишни сохталаштиришга сарфланган катта миқдордаги пуллар учун кимдир жавоб бериш керак, ахир. Шу сабабли, ФСБ ёки полиция томонидан иши судга оширилган шахс, албатта, қамалиб кетяпти, дея маълум қилади “Фукаровий кўмак”

ташкilotи раҳбари. Ҳуқуқ фаоли ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ишларни сохталаштиришда асосан, ” қурбонлар чўнтаги ёки яшаш жойига наркотик моддалар ва қурол-ярқоти солиб қўйиш ёки тухмат қилиш усулларидан кенг фойдаланишини айтади.

Ганнушкина ўз иддаоларига террорчиликда ва “Охотний ряд” метроси эскалаторини портлатишда айбланиб 8,5 йил ўтириб куни кеча озодликка чиққан Чечени-



ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ ЎЗ ФУҚАРОЛАРИ ТАҚДИРИ БИЛАН МУТЛАҚО ҚИЗИҚМАЙДИ

стонлик Зара Муртазалиева ишнинг мисол қилиб кўрсатди. Матбуот конференциясида сўзга чиққан “Фукаровий кўмак” ташкилотининг мувофиқлаштирувчилари ва адвокатлари ўзлари олиб бораётган ишлар юзасидан бошқа қатор мисолларни келтирди.

“Меҳнат муҳожирилари ҳуқуқлари ҳимояси” лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Анастасия Денисова мигрантларга қарши сохталаштирилган ва оdatий кўринишга эга жиноий ишдан мисол келтирди.

- Бу одатан олиб бориладиган “Нелегал” амалиёти давомида тожикistonлик мигрантларга наркотик моддаларни ташлаб кетиш бўйича иш. 2011 йилнинг 28 сентябрида Балашихада Муродбек Муродов, унинг синглиси Зайнура Муродова ва унинг эри Тошевни улар яшаётган квартирада ҳибс этишган. Квартира обдон текширилган, ҳеч нарса топилмаган ва ниҳоят Балашиха полиция бўлимига олиб келиб уларнинг бошларига қора пакет кийдириб чўнтақларига, жумладан 6 ойли ҳомиласи бор Зайнуранинг чўнтагига ҳам, наркотик пакетларини солиб қўйишган.

Зайнура 6 ой давомида тергов изоляторида сақланди, ўша ерда фарзандли бўлди, ва энг ачинарлиси, туғилган қизалоқ онаси билан 3 ой давомида турмада сақланди, дейди Анастасия Денисова.

Маълум бўлишича, амалиётни

олиб борган полиция ходимлари бу оиладан 250 минг рубл пул талаб қилган, улардан 130 минг олганидан кейин терговчиларга топшириб юборган. Кўпол қонун ва ҳуқуқ бузилишлар билан олиб борилган тергов ва суддан кейин Зайнура 3 йилга, акаси – 3,5 йилга, эри Тошев – 10 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Адвокат Абу Гайтаев охириги йилларда бундай жиноий ишлар Россияда, айниқса энг ҳуқуқсиз

қатлам саналган меҳнат муҳожириларга қарши кўплаб уюштирилаётганини таъкидлади.

“Лекин Марказий Осиё фуқаролари бўйича олиб борган ишларнинг бирортасида бу мамлакатлар элчихоналари, ваколатхоналари, консулликлари иштирок этганини кўрмаганман”, дея давом этади у.

- Тизимли ҳимоянинг ўзи йўқ ва улар ўз фуқароларини ҳимоялашга бирор ҳаракат қилмайди. Ахир улар муайян давлатнинг консуллиги, элчихонасику!

Лекин уларга мурожаат қилишдан ҳафсаласи пир бўлган мигрантлар на Ташки ишлар вазирлиги, на ҳукуматида, на Раҳмонга ва на Каримовга мурожаат қилмаяпти. Эсингиздами Тожикистонда учувчилар ҳимоясига бутун Россия кўтарилгани. Бечора муҳожириларни эса бизга ўхшаган ташкилотлардан бошқаси ўз ҳимоясига олмайди, лекин бизнинг имкониятларимиз кескин чекланган, дейди Абу Гайтаев.

Гайтаевнинг фикрини маъқуллаган адвокат Роза Магомедова, кўп ҳолларда судларда элчихона вакилининг шунчаки ўтириши ҳам суд жараёнининг адолатли олиб борилишига туртки бўлиши мумкинлигини урғулайди.

Кўмита раиси Светлана Ганнушкина фикрича, ўз фуқаролари тақдири назарга илмаслик бора-сида Марказий Осиё ҳукуматлари ичида Ўзбекистонга тенг келадигани йўқ:

- Ўзбек элчихонаси ўз фуқаролари билан мутлақо қизиқмайди. Улар фақат бировни айблаб экстрадицияси талаб қилинаётган шахслар ишлари бўйича иштирок этишлари мумкин. Уларга на кўнғирок қилиб бўлади, бирорта бизнинг мурожаатимизга жавоб олганимиз йўқ! дейди “Фукаровий кўмак” кўмитаси раиси Светлана Ганнушкина 13 сентябр кунги матбуот анжуманида.

Ўзбекларда кимнинг ким эканлигини аниқлаш жуда осон. Халқда шундай бир ҳикмат бор: “Сен менга дўстларингни айт, мен сенга кимлигингни айтаман”. Бир йилча бўлиб қолди, интернет тармоғида мен ҳақимда хабарлар тарқалмоқда. Менга ва умуман Қораевларга турли тухматлар уюштириш, кўчада дўппослаб кетиш каби, ҳаттоки дарвозаларимизгача булғаб кетишлар ҳам ёритиб борилди. Сабаби оддий: халқаро жамоатчилик билсин ва фикр қилсин! Эртадир, ёки индин тўсатдан қамокқа ташланишимиз мумкин, кийноқлар остида қилмаган жиноятларимизни бўйнимизга олишимиз мумкин. Бу воқеълик қачондан ва нима сабабдан бошланганлигини ҳамма билиб туриши керак. Айниқса халқаро ташкилотлар!

Ўзини “Ўзбекистон Бирлик Халқ Ҳаракати Партияси” деб атайдиган Абдурахим Пўлатов ва унинг бармок билан санарлик гумашталарининг “harakat.net” сайтида 14 сентябрь куни чоп этилган хабарни ўқиб лол қолдим harakat.net Бекорга айтмайдилар ахир: кир сув ўрага оқади! Ўзбекистон ҳақида хабарлар тарқатадиган бу сайт мағзава ўрасига айланганига кўп йиллар бўлди ва ўзини етук бир сиёсатчи сифатида тақдим этишга одатланган Абдурахим Пўлатов Ўзбекистон МХХга бел боғлаб хизмат қилаётгани бировга сир эмас. Бундан Пўлатовнинг ўзи ҳам фахрланса керак. Абдурахим Пўлатов сиёсий лидерлик васвасасига чалинган бир бемор бўлиб, барча муҳолиф кучларни ўзининг атрофида жипслашишга чақириб келади. Лекин буни қарангки, унинг атрофида жипслашганлар сони хорихдаги ва мамлакат ичкарисидагиларни аъзоларини кўшиб кўшиб ҳисобланса, ўн ёки ўн баш нафар одамни ташкил этади холос. Шундайларнинг уч нафари Қашқадарё вилоятида. Ранг кўр, хол сўр дейдилар! Демак бу “лидернинг” лидерлиги ҳам шунга яраша. Мазкур сайтга гўёки хат юборган менинг кўшим Барно Адабоева анча дарду-ҳасрат қилибди, бирор ҳақ сўзни айтмабди. Ҳар қалай “harakat.net” сайти ҳам “pressuzinfo.uz” сайтидан мутлақо

фарқ қилмайди. Сўнги йилларда бу каби мағзава сайтлар ёмғирдан кейинги кўзикоринлардан потраб кетаяпти. Барно Адабаева жуда кўп гапларни ёзган. Бу даъволарга эътибор қаратадиган бўлсак, менинг жияним Бархаёт гўёки уни ушлаб турган-у, ва акам Санжар уни урган эмиш. Қизиқ, Барно Адабаева кўпол бўлса ҳам акам Санжар Қораевнинг у ёғига қачон ёпишиб жони борича тортиқлаган экан? Янгам Зилола Пўлатовани сонидан қачон тишлаб олган у? Албатта бу хабарни Барно, ёки унинг онаси



Гулшан Қораева
Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари
Ташкилоти Қашқадарё вилоят
бўлими раиси

МАҒЗАВА ЎРАГА ОҚАДИ

Ойдин Ортиқова ёзгани йўқ. Улар “Ҳаракат” сайтининг борлигини ҳам билишмайди. Бу хабарни ёзганларни ички ишлар бошқармаси ва МХХ дан излаш лозим. Хатни ёзиб бераётганлар нега акамга ва янгамга шикаст етказилганини инobatта олишмади экан? Менинг итим заҳарланганлиги ҳақида унга ҳеч вақт дардихол қилмаганман. Бу воқеа менинг Франция сафарига кетишим олдида содир бўлган. Умуман олганда мен Ойдин Ортиқова ва Барно Адабоевалар билан ош-қатик эмасман ва ош-қатик бўлиш ниятим ҳам йўқ. Энди Адабованинг даъво қилаётгани, электр қуввати масласига келадиган бўлсак, эмизиклик ёш болани кўкракдан ажратиб, сунъий йўл билан катта қилаётган аёл қандай қилиб боланинг қорнини тўқласин? Айниқса на газ ва на электр қуввати таъминотида узилиш бўлиб турган бўлса. Буни тасаввур қилиб кўринларчи?

У айтаётган вақтда саккиз кун электр қуввати бўлмади. Кўчамиз охиридаги 10 мактаб ҳовлиси ичидаги трансформатор 57 ТП ишдан чиқди. Нафақат мен, балки бутун маҳалла аҳли ўшанда ҳоқимиятга ва бошқа ташкилотларга борган эдилар. 10 мактаб ичкарисида эса ҳамма тўполон қилганди. Уша вақтда ҳам мендан кўришган эди, гўёки мен халқни кўтаргандим. Мен мактаб ҳовлисидаги 57 ТП га борганимда. Бир киши ўз ҳаққини ҳуқуматдан талаб қилса бу “шантаж” бўладими? Яна бир бор юқоридаги саволга қайтсам: Барно Адабаева бу нарсаларни ёзишни, “Ҳаракат” сайтини қаердан била қолдиди? Мана бу савол ҳамма нарсасига ойдинлик киритади! Яна бир ажиб томони Барно Адабоевнинг “Ҳаракат” сайтида чоп этилган хатига куйидаги жумлалар: “Ўзларини мусулмон, деб билган Қораевлар беш вақт номоз ўқиб туриб, ожизани ўлар ҳолатда дўппослашлари, оғизда тутиб бўлмас сўзлар билан ҳақоратлашлари мусулмончиликка тўғри келармикан? Афсуски, улар ислом динини никоҳ қилиб олган шайтон малайларига ўхшайдилар”. Нега бу жумлалар келтирилди экан? Ахир беш вақт намоз ўқийдиган биргина акам Тўлқин Қораев ҳозир сиёсий бошпана олиб Швецияда яшаяпти. Мақсад ойдин: Қораевлар оиласини “ваххобий”, “хизбут-таҳрир”, ва лозим бўлса яна бошқа диний жамоаларга аралашган деган даъво илгари сурилиши мақсад қилиб олинган. Яна бир бор эслатаман: бу мактуб МХХ ёки ички ишлар идоралари томонидан қизилган! Ойдин Ортиқова ҳам, унинг кизи Барно Адабова ҳам бу каби жумлаларни ёзишни билишмайди. МХХ ўтган йили мени ўзлари билан ҳамкорлик қилишга даъват этганларида рад қилгандим. Тагин бу ҳақида интернет тармоғида маълумот тарқатдим. Худди ўша кундан менга нисбатан таъқиб ва тазйиқлар кучайиб келаяпти. Абдурахим Пўлатов эса кўп йиллардан бери МХХ нинг дастёри. Нима учун Барно Адабоевнинг мактуби “Ҳаракат” сайтида пайдо бўлди экан? Жавоб эса бу: мағзава кир ўрага оқади!

КЛИНТОН ХОНИМ: БУ ЖИРКАНЧ ФИЛЬМДИР...

АҚШ ва Исроиил фуқароси Сам Басила (Sam Bacile)нинг Ислом динига ва Муҳаммад (сав)га ҳақорат шаклида ҳозирлаган “Мусулмонларнинг масъумияти” фильмига бутун дунё бўйлаб норозилик чиқишлари давом этмоқда.

Мусулмонлар билан бирга мусулмон бўлмаганлар, шу жумладан дунёнинг обрўли тақулотларининг раҳбарлари, давлат ва сиёсат арбоблари, оддий инсонлар бу фитна ва тухмат тўла фильмни

қоралаб чиқмоқдалар.

Куйида бу фильм ҳақида билдирилган баъзи фикрларни диққатингизга ҳавола қиламиз:

Фильм ижодкори Сам Басила (Sam Bacile): Мен бу фильмни сиёсий фитна чиқариш учун ҳозирлаганман...

АҚШ Давлат Котиби: Бу фильм жирканчдир...

БМТ Котиби Пан Ги Мун: Бу фильм ҳақорат тўла фильмдир... Туркия Бош Вазири Тоййиб

Эрдўғон: “Ислом ва Муҳаммад (сав)га ҳақорат сўз ва фикр эркинлиги доирасига кирмайди...” Миср Президенти Муҳаммад Мурсий: Фильм ижодкорларини маҳкамага тортиш учун Мисрнинг АҚШдаги элчихонасига таълимот берди...

УХХ вакили Намоз Нормўмин: Бу фильм унинг ижодкори айтганидек сиёсий фитнадир...Сиёсий шарҳловчи Тошпўлат Йўлдошев: Бу фильм ҳақорат ва фитна эмас. Мусулмонлар ёшлигиданок яҳудийларга қарши қайраб тарбияланади...

М. Абутов**Азиз ватандошлар!**

Мана 21 йилдирки, ИАК ва у бошлик режим, ўзбек халкининг тепасида ҳокими мутлақ сиёсатини юргизиб келмоқда. Бу муддат ичида ҳаётимизда нималар бўлди, эътибор беринг!

7,8 миллион атрофида эркаку аёл ишсизлар армияси пайдо бўлди. Улар чет элларда иш излашга мажбур. Ишга яроқли қатламнинг ярмини ташкил этувчи бу куч бугун чет элларда сарсон-саргардон. Мамлакатда иқтисод издан чиққан.

Тижоратчилар давлат томонидан таланмоқда.

кадри шунчалик кадрсиз режимдир бугунги ИАК режими. ИАК режими мининг муҳолифи бўлган ЎХХнинг вакиллари ҳам турли туман тазйик ва матбуот ҳужумлари давом этапти. Мана 24 сентябрда Фуад отиб кетилганига бир йил тўлади.



сарик чакача кадри йўқ эканини кўрсатишди.

Эй ўзбек халқи ўғлонлари! Ўз озодлигингиз учун ўзингиз курашишингиз шарт!

Эрк ва озодликни биров келиб ҳада этмайди. Эй ўзбек халқи вакиллари, Зулмга қарши мазлумларни озод этишга қарши курашиш зиммамиздаги улуғ вожоботдир.

Бу вожобот пора бериб ўқишга кирган талабаларга, Ҳокимларни тазйиқи билан касбига алоқаси бўлмаган барча ишни қилишга мажбурланаётган ўқитувчиларга, пахта режасини бажаришга мажбурланаётган фермерларга, пахта териб кун

ФУАДНИ ОТИБ КЕТИЛГАНИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА

Фермерлар қаттиқ тазйик остида “оқ олтин” режасини бажаришга мажбур. Уни теришга барча ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари жалб қилинади. Чет эллик сармоядорлар инкирозга учраб, қочишга тушган. Режим ўз сиёсий ва диний муҳолифларига қандай муомалада бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳали бугунгача ўн мингдан ошиқ диндорлар турмаларда ўтирибди. Уларга у ерда намоз ўқиш ва рўза тутиш таъқиқланади. Мана ўғирлаб кетиб, йўқ қилинган Абдували қори акага ҳам 17 йил бўлди, хануз дом дараксиз. Шунингдек, Абдулла Ўтаев, Рамазон Матқаримов, Хусниддин Назаров, ва бошқа кўплаб ўғирланган диндошлар холидан ҳам хабарсизмиз. Муҳаммад Ражаб каби дин олимлари эса 19 йилдан бери турмада. Инсон

Аллоҳ раҳматига олсин барча шаҳид биродарларни. Шу йил 22 февралда Швецияда ўз уйи олдида Обидхон Қори Назаров отиб кетилди. Шубҳасиз бу ишларнинг ортида зolim ИАК режими турибди. Ўз фуқароларини на қонунга ва на динга ва на одамгарчиликка тўғри келмайдиган зулмлар билан азоблаётган режимдир бу режим. Буни бугун дунё ҳамжамияти яхши билиб ва тушуниб турибди. Шунга қарамай, АҚШ бугун ИАК режими билан яқиндан алоқаларни йўлга қўйишга эришди. Чунки, давлат манфаати улар учун “демократия” ёки “инсон ҳуқуқлари” деган иддаолардан устун туради. Ғарб бу мустабид билан алоқа қилар экан, бу билан айнаи дамда улар учун ўзбек халкининг оху фарёди

кечираётган тиббиёт ходимларига, ойлигини уч тўрт ойлаб ололмаётган давлат корхоналари ишчиларига, мол мулкидан мосуво бўлаётган тадбиркорларга, Ҳақ динни тутган имомларга, тазйиқка учраган, қамалаётган диндорларга ва уларнинг яқинларига, ишсизликдан чет элларда юрган миллионлаб меҳнат муҳожириларига ва Суд, Прокуратура, ИИВ ва ҳарбийлар орасидаги виждонини йўқотмаган фуқароларга бирдек тегишлидир. Чунки, ҳаммамиз адолатли ва осойишта ва фаровон ҳаётда яшашни истаймиз. Бундай ҳаётни куриш эса ЎЗ ЗИММАМИЗДАДир! Зулм салтанатига барҳам бериб, ватанимизда озод ва эркин адолатли тузум курайдик!

**ЎХХ шу йўлда курашапти.
Келинг сафимизга қўшилинг!**

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНАДИГАН ГАПЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда)

Кофир деган зот яратган эгасига ширк келтириб қуйидаги гапларни ҳам айтarkan: “Подшоҳимиз Оллоҳнинг ердаги сояси ва унга итоатда бўлмоқ ҳар бир мусулмон учун учун вожоботдир”. Бир мусулмон дўстим айтганига кўра, яратгувчи яралмишнинг бир гуноҳини сира-сира кечирмас эмиш ва қиёматда ҳар қанча савоби бўлсада, ўша гуноҳ туфайли уни дўзахнинг қазрига ташлар эмиш. Бу қандай гуноҳ дерсиз? Бу гуноҳи кабира яратганга кимдир бировни, ёки бирор бутсанамни тенглаштиришдир!

Ҳаттоки кўзmunчоку, туморларга ишониш ҳам айнаи мана шу гуноҳлардан саналаркан. Йўқ азизлар, адашасиз! Камина кофир эмас эканман. Яна биров айтадики, камина ёлғончи эканман. Бўлмаган гап! Қаерда ёлғон айтдим, ёинки қайси ҳақ сўзни тасдиқлаб, ёки инкор қилиб бериш керак бўлганида ундан тондим? Масалан, шундайлар бор, одамларнинг қулоқларига лағмон осишга уста. “Мен жуда машҳур инсон эдим ва мени ўлдирмоқчи бўлдилар. Қаллам учун муқофот эълон қилдилар...” ва ҳоказо, ҳоказо. Қачон камина ёлғон

сўзладим экан? Ёлғончиликни ўзига касб қилиб олганлар ундан қандайдир бир мақсадда фойдаланадилар ахир. Ёлғон ҳам гоҳида ҳалол дейилади. Масалан, эр-хотинини мурсога келтиришда ишлатадиган ёлғон ва урушда қўлланиладиган ҳийла, ёлғонлар ҳалол экан. Бу мусулмон динида! Аммо яҳудийлар динида ҳар қандай яҳудий бўлмаганни алдаш, уни ёлғон ваъдаларга ишонтириш, муғомбирлик билан ўз фойдасига ишлатиш каби амаллар ҳалол ҳисобланаркан. Камина на яҳудий динидаман ва на урушни кўрдим, на аёлимни ёлғон айтиб тинчлантирдим. Чунки бунинг ҳам иложи йўқ. Атрофда ғийбатчилар ва улар оилангизга ҳам суқулиб кириб ғийбатингизни қилишаркан. Демак камина ёлғончи эмасман. Буни қарангки, мен ҳақимда сўзлайдиганлар орасида “бу одам ростгўй” дегувчилар ҳам топилади. Бўлмаган гап! Қани ростгўйлигим? Ростгўйлик дегани юз-хотирликни ҳам унутиб нима бўлса ҳамма гапни шартга-шартга айтиб юборадиганларга нисбатан ишлагиладиган сифат эмасми? Қачон ростгўйлик қилдим? Масалан, фалон одам нотўғри амал қилаётганини кўра-

била туриб унга айтмадим-ку: “ҳей биродар, бу амалинг нотўғри!” Масалан, юрт хароба бўлиб ётган кезде аҳли Ўзбекистон турли динлар, турли ғоялар ва гуруҳларга бўлиниб қолган бўлса-да, уларнинг қай бирига қараб “йўқ, сенинг сўзинг нотўғри” дедим. Ҳар бирига айтаман: “сеники тўғри, кам бўлма”. Акс ҳолда бугунги дўст душманга айланиб қолиши мумкин.

А, лаббай, “Бу амалларнинг мунофиқлик” дейсизми? Ҳаёт дарсини олаяпман ахир! Мунофиқлик тирикчиликнинг безаги бўлганига неча ўн йил, ёки юз йил, балки неча аср тўлганлигини ким аниқ билади ахир?! Ҳаммага бирдай ёкиш керак ва бу мақом фақат энг қадимги “хунар” эгаларига, ҳамда мунофиқларгагина насиб этаркан. Шундай экан, мунофиқликда ҳам айб йўқ! Балки “қадимий хунар”да ҳам айб йўқдир(?). Мунофиқликдай хислат бугунги даврнинг талаби эмасми ахир! Қулоққа чалинадиган гаплар кўп ва хўп. Уларга аҳамият қартиш керак эмас. Мен умуман аҳамият бермайман бунақа ўзидан қулоғи узун гапларга. Буниси ҳам ёлғон бўлди шекилли, унда ахир нега бу сатрларни ёзаяпман. Айтдимку ростгўй эмасман деб. Э-воҳ, мен билмаган сир синоатлар бунчалар кўп бўлмаса!

(Давоми: Боши 1-бетда)

Муҳаммад (сав) Аллоҳ таолонинг сўнги пайгамбари бўлишларига қарамай нихоятда содда умр кечирганлар. Дунёнинг бутун подишоҳлари у кишининг буюклигини эътироф қилган бўлсаларда, у Зот (сав) дунё шухратига, молу мулкига, тахту мансабига эътибор қилмадилар. Бир он бўлсада У Зот(сав)ни жонларидан ҳам ортиқроқ севадиган саҳобаларидан айрилмадилар. Ҳатто ваъдаларига вафо қилиб, Макка фатҳ қилингандан кейин ҳам Мадинага қайтиб келдилар ва шу ерда вафот этдилар. Муҳаммад (сав)ни севиш ҳеч шубҳасиз имоннинг шартларидандир. Чунки Аллоҳ таоло Ўз севагини Муҳаммад (сав)ни севишга, У Зот(сав)га имон келтиришга ва эргашишга боғлагандир.

РАСУЛУЛЛОҲНИ (САВ) СЕВИШ ИЙМОННИНГ ШАРТЛАРИДАНДИР

Бунинг далил ушбу ояти каримадир: Айтнинг (Эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, бас, менга эргашинг. (У холда) Аллоҳ ҳам сизни севади ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилади», (Оли Имрон сураси 31) Ҳозир кўп инсонлар хато ва гуноҳ ичида ўтган умрларига пушаймон бўлиб, энди бу гуноҳларимдан қандай қутулсам экан, дея надомат ичидадилар. У холда улар қиладиган иш Аллоҳ таолога ширк қўшмасдан имон келтириш ва юқорида келтирилган келтирилган ояти каримада ифодаланган ҳақиқатга, яъни Муҳаммад (сав)га эргашишдир. Мана шунда шу ояти каримада ифодалангани каби Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини мағфират қилади. Пайғамбаримиз (сав), биз мусулмонларнинг ягона раҳномаси, устози ва жони жигаримиз, Аллоҳ таолодан кейин бутун севдикларимизнинг энг устуни, энг яхшиси ва энг қадрлидир. У Зот(сав)га уммат бўлиш буюк бир шараф, инсонлар бу дунё ва охирада эришадиган энг олий мақомдир. Қуръони Карим мўминларга доимо Муҳаммад (сав)га салом ва саловат келтиришни амр қилгандир:

“Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга саловат айтурлар. Эй иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловат айтнинг ва салом юборинг”. (Араб тилида «саловат» сўзи «салот»нинг жами бўлиб, дуо маъносини англатади. Арабчада намоз ҳам «салот» дейилади. Чунки намозда ҳам дуо маъноси бор. Аммо «салот» Аллоҳ таоло томонидан бўлганида «дуо» маъносини йўқотади. Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримизга (с.а.в.) саловат айтишининг маъноси у зотга (с.а.в.) ўз раҳматини юбориши, улуғлаши, мақомларини кўрсатиши ва фаришталар ҳузурда шаънларига мактовлар айтишини англатади.) (Ахзоб сураси 56)

Мўминларнинг Расулulloҳ (сав) га салом ва саловат айтишларининг амалий кўриниши Исломи динига маҳкам боғланишлари, динларига аввало ўзлари амал қилиб, кейин уни ва шу туфайли Муҳаммад (сав) нинг номларини дунёга ёйишларидир. Зеро, Муҳаммад (сав)нинг муборак исмлари ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа ва ҳар сонияда навбатма навбат дунёда муборак азон шаклида самога ўқилади. Мана шунинг ўзи ҳам Муҳаммад (сав)нинг буюкликларига далилдир.

Муҳаммад (сав) мана бу ояти каримада ифодаланган каби Аллоҳ тало тарафидан набий (илоҳий хабар келтирган), улар орасида кимлар мусулмон бўлган ва бўлмаган бу ҳақда шаҳодат берувчи, мўминларга жаннатнинг, кофирларга жаҳаннам хаба-

рини берувчи, даъватчи, инсонларни қоронғуликдан ёруғликка чиқарувчи нур сифатида юборилганлар:

“Эй Набий (Эй Муҳаммад), албатта, Биз Сизни гувоҳлик бергучи, хушхабар элтгучи ва оғоҳлантиргучи. Ўз изни ила Аллоҳга даъват қилгучи ҳамда нурли чироқ қилиб юбордик. (Ушбу оятда Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) тўртта вазифалари ва битта сифатлари зикр қилинмоқда. Ҳа, Муҳаммад (с.а.в.) жоҳилият зулматларидаги нурли чироқдирлар. Турли зулматлар ичида йўлини топа олмай, уриниб-суришиб юрган кишиларни Исломининг ёруғ йўлига бошловчи нурли чироқдирлар.) (Ахзоб сураси 45, 46)

Муҳаммад (сав) пайғамбар бўлиб келганларидан эътиборан у Зот (сав) нинг ғанимлари Исломи ҳақиқатини қабул қилмаслик учун Расулulloҳ (сав)га, Исломи динига ва мусулмонларга тухмат тошларини отишган ва бу йўлда ҳақорат, фитна ва турли иғволарни ишлатишган. Аммо Аллоҳ таоло мана бу оятда ифодалангани каби кофирлар исатамасларда Ўз нурини тамомлаяжакдир:

“Оғизлари билан Аллоҳнинг нурини ўчирмоқчи бўлурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ, кофирлар ёқтирмаса ҳам, Ўз нурини тугал этгучидир. (Исломи динини йўқ қилиш учун уринувчиларнинг ҳаракати куёшнинг шуъласини оғиз билан пуфлаб ўчиришга ҳаракат қилишга ўхшайди.)” (Саф сураси 8 оят)

Демак, Исломининг ер юзиде қайта ғалаба қилишида ва бу орқали инсоният ичида тўғри эътиқод, тинчлик, яхшилик, яхши ахлоқ ва одоб, тоат ва ибодат, марҳамат ва шафқат, ҳақиқий маънода инсон ҳуқуқларнинг устун бўлишида ҳеч қандай шубҳа йўқдир. Чунки Аллоҳ таоло бундай ҳақиқатнинг ер юзиде устун бўлиши учун ўзининг сўнги Китоби Қуръони

Каримни ва сўнги пайғамбари Муҳаммад (сав)ни юборгандир:

“У Зот (Аллоҳ таоло), Ўз Расулини (Муҳаммад сав.ни) ҳидоят ва ҳақ дин билан барча динлардан устун қилиш учун юборган зотдир. Гарчи мушриклар ёқтирмасалар ҳам.” (Саф сураси 9) Исломи динига, Қуръони Каримга, Муҳаммад (сав)га ва мусулмонларга тухмат тошини отадиганлар, уларни ҳақоратлайдиганларга келадиган бўлсақ, булар жоҳил, ахлоқсиз, эътиқодда адашган, шайтонга малайлик қиладиган, ер юзиде фитна фасод чиқарадиган, зулмин ёядиган, ёмонликда “илғорликни” кимсага бермайдиган нодон ва ақлсиз кимсалардир. Буларнинг устозлари Фиръавнлар, Абу Жаҳллар, Абу Лаҳаблардир. Шайтон киёматга қадар бор бўладигани учун, унинг малайлари ҳам доимо ўзларининг ёқимсиз сўзлари ва фитна фасодлари билан инсонлар орасида ёмонликни тарқатишга уринадилар. Аммо уларнинг Муҳаммад (сав) келтирган Ҳақ дин ва уни тамсил қиладиган мўмин мусулмонлар устидан мутлақ ғалаба қилишлари имконсиздир. Чунки Аллоҳ таоло бундай маълунларга (лаънатланганларга) дунё ҳаётида ва охирада разилликни тақдир қилгандир:

“Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига озор берадиганларни Аллоҳ бу дунё ва охирада лаънатлади ҳамда уларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйди. (Аллоҳга озор бериш—Аллоҳга ширк келтириш, унга осий бўлиш, Уни Ўзига мос бўлмаган сифатлар билан сифатлаш, динга, Пайғамбарларига, китобларига тил теккизиш. Пайғамбарга (с.а.в.) озор бериш, ўша вақтда у зотга қарши чиқиш, жисмоний ва маънавий зарба бериш, шахсларига, оилалари ва умматларига нисбатан ёмонлик қилиш, иғво, бўхтон қилишдан иборатдир. Ҳозирда ҳам худди шундай: ким у кишининг шахсларига, динларига, шариатларига, оилаларига, китобларига, суннатларига, умматларига тил теккизса, у зотга (с.а.в.) озор берган бўлади.)” (Ахзоб сураси 57)

Шундай экан, биз мўмин мусулмонларнинг вазифалари Аллоҳ таоло Қуръони Каримда амр қилгани каби Унга имон келтириш ва Муҳаммад (сав)га У Зот (сав)нинг саҳиҳ суннатларида кўрсатилгани имон келтириб, Расулulloҳ (сав)га эргашишдир. Бунинг маъноси соғлом бир эътиқод (тавҳид) эгаси бўлиш, тоат ибодатни тарқ қилмаслик, илму маърифатни ўрганиш, яхши ахлоқ эгаси бўлиш ва дунёга Аллоҳ Расули (сав) келтирган динни ёйишдан иборатдир.

Аллоҳнинг салоти ва саловати Муҳаммад (сав)га, У Зотнинг оила аҳлига, саҳобаларига ва киёматга қадар Расулulloҳ (сав) келтирган йўлдан юрадиганларга бўлсин! Омин!

Намоз Нормўмин



ЯҚИН “ХОРИЖЛИК” ЎЗБЕКЛАР

Ўзбекистон халқи деярли чорак аср давомида диктатор Каримовнинг зулмидан эркин нафас олишга имкон тополмай келмоқда. Бу ҳол мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам ҳаммага маълум. Аммо яқин “хориж”даги ўзбекларга, яъни Урта Осиёда яшаётган ўзбек миллати вакиллари-га Каримовнинг зулм сиёсати қандай таъсир қилмоқда? Умуман бу ерларда яшаётган ўзбекларнинг дунёқараши нимадан иборат? Шу саволларнинг жавобини ўрганиш учун қўшни давлатлардан бирида туғилиб ўсган миллатдошимиз Камолитдинга муурожаат қилдик.

- Ўзбекистонга қўшни давлатларда яшаётган ўзбекларнинг турмуш тарзи ҳақида умумий маънода нима дейиш мумкин?

- Яқин хориждаги ўзбеклар Тошкентдаги сиёсий аҳволдан биринчи навбатда таъсирланадиган қатламдир. Зеро, маҳаллий сиёсий гуруҳларнинг уларга бўлган муносабати Ўзбекистоннинг ўз мамлакатига аҳолисига, хусусан ўзбекларга қаратилган сиёсатига боғлиқ. Шу маънода, афсуски, Ўзбекистондаги бугунги сиёсий вазият яқин хориждаги ўзбеклар манфаатига хизмат қилади, дейиш қийин.

Қирғизистондаги машъум воқеалар, Тожикистон билан тараф муносабатлар, Туркманистон чегарасидаги муаммолар бунга мисол бўла олади. И.Каримовнинг яқинда қилган Астана сафари ҳам Қозоғистондаги ўзбеклар ҳамда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирилари масаласига ҳеч қандай аниқлик, айтиш мумкинки, ҳеч қандай ижобий ўзгариш киритмади.

Қирғизистон ва Тожикистонга сафар, ёки бу давлатлар билан муносабатларни яхшилаш эса ҳали-ҳануз кун тартибига келтирилмади ҳам. Шундай экан, яқин ва узок хориждаги ўзбекларнинг турмуш даражаси, уларга бўлган маҳаллий муносабат фақат Тошкентдаги сиёсий вазиятнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолаверади.

- Яқин “хорижлик” ўзбекларнинг ватан тушунчаси нимадан иборат ва уларнинг Ўзбекистонга муносабати қандай?

- Айтиш мумкинки, Ватан деганда ўзбеклар Ўзбекистонни тушунадиган даврлар ўтмишда қолди. Тўғри, СССР тарқалганидан кейинги илк бир неча йилларда ўзбекларда ўз “тарихий ватан”ларига интилиш мавжуд эди, мен ҳатто Ўзбекистонга кўчиб кетган кўплаб оилаларни биламан, аммо вақт ўтиши билан,

юзага келган (асосан Ўзбекистон тарафидан юзага келтирилган) муаммолар бу интилишни бир нав нореал, ҳатто бир маънода хавфли ҳаёлга айлантди. Бугунги вазиятда “Титул” бўлмаган миллат, миллий озчилик мақоми улар учун Ўзбекистон фуқароси бўлишдан кўра қулайроқ ва тинчроқ бўлиб қолди. Ҳамманинг Ўзбекистонда қариндошлари, танишлари, дўстлари бор. Чегарадаги қийинчиликлар улар билан ўзаро алоқаларни, борди-келдиларни ҳам сусайтирмоқда, бу эса ўз навбатида хорижий давлат фуқароси бўлган кишиларда ҳам Ўзбекистондаги сиёсий шароитдан норозилик кайфиятини ҳамда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар истеги кучайтиради.

- Улар мактабда қандай таълим оладилар? Ўзбек тилини ва умуман миллий қадриятлардан нималарни ўрганадилар?

- Мактаблардаги таълим энг муаммоли масала. Маълумки, Ўзбекистонда лотин ёзувига ўтилган, бошқа давлатларда эса ўзбек тили кирил ёзувида сақланиб қолмоқда. Бу эса бир тарафдан Ўзбекистонлик янги авлодга миллий мероснинг сал кам бир асрлик даврдан узилишни пайдо этса, бошқа тарафдан яқин хориж ўзбекларига дарсликлар, илмий-оммабоп адабиётнинг етиб боришини қийинлаштиради, оқибатда Ўзбекистон билан орадаги масофани узоклаштиради.

Афғонистонда эса мутлақо ўзгача бир муаммо – уларда араб ёзувига асосланган эски ўзбек ёзуви сақланиб қолган, уларга энди кирил ҳарфидаги адабиёт нотаниш. Бу дегани, худди эски ўзбек ёзувидаги оригинал матнлар бугунги авлод учун тушунарсиз қолаётгани каби, Афғонистондаги беш миллионлик ўзбек диаспораси учун сўнги юз йиллик маданий меросимиз бир армон бўлиб қолаверади.

- Ўзингиз ва ўзбекистонлик ўзбеклар орасида қандай фарқ бор, деб ўйлайсиз?

- Хорижда туғилиб ўсган ўзбекларнинг афзаллиги, балки бахти – Каримов йўқ уларнинг устиди, шунинг ўзи етарли, қолганини ўзлари тузатиб олаверди. Асосий бахти шу, уларда ўзбек зеҳниятининг шаклланишида, оиладаги ўзбек ота-она тарбиясидан ташқари маҳаллий миллий менталитетнинг ҳам таъсири бўлади. Бу эса миллатлар интеграциясида ижобий рол ўйнайди. Бошқа тилларни ўрганиш, бошқа маданиятлар билан яқиндан танишишдан чўчимаслик керак. Менимча, яқин хориждаги ўзбекларда бошқа миллатларда бўлмаган имкониятлар мавжуд. Улар ҳам ўз тилини, ҳам маҳаллий тилни ўрганишлари, бу тилларда фикрлашлари мумкин (Рус ва чет тиллари бунга яна қўшимча).

- Сизнингча Ўзбекистоннинг яқин “хорижлик” ўзбекларга нисбатан сиёсати қандай бўлиши керак?

- Ўзбекистоннинг бугунги ҳукуматининг яқин хориждаги ўзбекларга муносабати қандай бўлиши керак, деган саволга ҳар ким турлича жавоб беради, аммо “қандай бўлмаслик керак?” деган саволга ҳамманинг жавоби айни бўлса керак: Бугунги шаклда бўлмаслиги керак. Ўзбекистон ҳукумати дунёдаги ўзбек миллатига мансуб бир неча миллион инсонни ўз сиёсий ҳимоясига олиши керак. Агар бугун яқин хориждаги ўзбеклар аҳволи Ўзбекистондаги ўзбекларнинг аҳволдан яхшироқ бўлса, бу Тошкентдаги ҳукуматнинг эмас, маҳаллий ҳукуматларнинг сиёсати самарасидир. Агар ўша ҳудудларда бирор ўзбекнинг ўзбек бўлгани учун ҳуқуқлари поймол этилаётган бўлса, бу Ўзбекистон ҳукуматининг ғайримиллий сиёсатидандир.

Максим Бейлис

2012 йил 17-18 октябрь кунлари Тошкентда Саккизинчи Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтади, Ўзбекистоннинг расмий оммавий ахборот воситалари хабар беришича, унга жаҳоннинг етакчи трейдерлари келадилар. Шўролар давридан бери бахтиқаро шаҳарликларни фермерларга “ёрдам беришга” юбориб келган Ислом Каримов режимининг танқидчиларига кўра, ғарб мамлакатлари аста-секин ўзбек “оқ олтини”дан воз кечаяптилар ва бунинг сабаби – болалар ва ўсмирларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш бўлиб қолапти.

ташқари, одамларнинг пахта далаларида туришлари билан боғлиқ барча харажатларни ташкилотларнинг ўзларига юклаб қўйилган.

Бироқ бюджет ташкилотлари ўз ходимларининг пахтада яшашлари ва овқатланиш билан боғлиқ сарфларни кўтара олмайдилар, шунинг учун пахта қуллари ўз чўнтақларига мурожаат қилишга мажбур бўладилар.

Ушбу кампаниянинг аввалгиларидан яна бир сезиларли фарқи – одамларни пахтага жўнатиш ва далаларда пахта терими устидан назорат қилиш ишларида кучишлатар тузилмаларнинг вакиллари қатнашишлари бўлиб қолади. Ҳарбий форма кийган ёш бакуват йигитлар пахта далаларида

гўё хорижлик сайёҳларга, аниқроғи – соғаник сигирларга каби муносабатда бўлаяптилар.

Пахтада кун тартиби шундай: эрталаб туриш соат 5:30, далагача йўл бир соат вақт олади, иш бошланиши – соат 7 да. 12дан 12.30 гача тушлик танаффуси, кейин соат 19.00 гача иш. Шундан сўнг ухлайдиган жойга бир соатлик марш-бросок. Пахтада дам олиш кунлари ва байрамлар унутилади.

Бир кишига бир кунда 60 килограмм пахта териш нормаси белгиланган. Далаларда милиционерлар ва аскарлар ғайрат кўрсатмаётган теримчиларга бақириб чакқонрок



Бу йилда Ўзбекистоннинг энг янги тарихида илк бор болаларни пахтага чиқармаяптилар ёки болалар меҳнатидан чекланган ҳажмда фойдаланаяптилар. Аммо пахта теримига уларнинг ўрнига ота-оналари ва ҳатто боболари ва бувилари жўнатилгани ҳақида кўплаб маълумотлар келиб тушмоқда.

“Фарғона” аввал хабар бераганидек, бу йил Ўзбекистон расмийлари шаҳарликларни ва хусусан, тошкентликларни пахта теримига жалб этиш бўйича мисли кўрилмаган чораларни кўрдилар. Нега энди мисли кўрилмаган?

Фуқароларни ихтиёрий равишда пахта теримига жалб қилиш бўйича ўтган йилги кампаниялардан бу йилгисиз ўзининг кўламли билан фарқ қилапти.

Кўпинча Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати иштирокида ҳарбий формадаги қуролланган шахслар жалб этилган ҳолда ўтувчи кенг кўламли текширувлар қабатида, мулк шаклидан қатъий назар, исталган хўжалик субъектларига нисбатан амалга оширилаётган қонунсизликлар қабатида, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ходимларини пахта теримига жўнатиб, уларни муваққат қулларга айлантириб қўйдилар.

Одатда, ходим пахта теримида бўлган пайтида унинг ўртгача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади ва бундан

жуда муҳим ва жангавор: қуролсиз шаҳарликларга ўз кучини намойиш қилиш вазифасини кўйган.

Кўйида пахта теримига ҳайдалган баъзи кишилар ҳикоя қилиб берган мисоллар келтирилган.

Одамларни аввал поездда, кейин ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг кузатуви остида автобусларда Жиззах вилоятида жойлашган пахта терими майдонларига етказдилар. Пахта далаларида жойлаштириш шароитлари турлича, баъзиларнинг омади келди.

Кимнидир илгари молхона бўлган биноларда; бошқаларни қишлоқ мактабларида ва ҳатто коллежларда жойлаштирдилар. Ташкилотларга ва хусусий шахсларга тегишли ёзги уйлар энг қулай саналади. Аммо бундай уйларга жойлаштириш пулли, боз устига қиммат.

Одамларни пахта юборган ташкилотлар уларнинг еб-ичишини ҳам кўтаришлари керак, шунинг учун одамлар билан бир-мунча озик-овқат олиб келинди, аммо захиралар тезда тугади, шунинг учун одамлар қоринга кетадиган нарсаларни ўз пулларига сотиб олишга мажбур бўлаяптилар. Маҳаллий аҳолидан озик-овқат Тошкент бозорига қараганда икки-уч баробарига қимматига сотиб олинапти.

Маҳаллий одамлар ҳам “иқбол – келганида тикиб ол” қабилида иш тутапти ва қўнгилли ёрдамчиларга

ПАХТАГА БОЛАЛАР ЎРНИГА ОТА-ОНАЛАР ЖЎНАДИ

назоратчи ролини бажараяптилар, пахта терими нормасини бажармаётганларга бақираяптилар, ишдан бўйи товлаганларни керак бўлса қалтаклаяптилар. Ўзбекистон раҳбарияти уларнинг олдига

пахта теришга ундайдилар. Нормани бажармаётганларга бақирадилар, баъзан таҳдид қиладилар: баъзиларга жисмоний босим ўтказганлари ҳоллари маълум.

Қизиғи шундаки, теримчилар пахтани нафақат теришлари, балки маҳаллий фермерлардан ҳар килосини 200 сўмдан сотиб олишлари мумкин (“Фарғона” маълумотида кўра, теримчиларга ҳар бир килограмм терилган пахта учун 150 сўмдан тўлайдилар.-таҳр.изоҳи.). Яъни, 12 минг сўм эвазига қунлик нормани бажариш мумкин, аммо бюджет ташкилотиде ишлайдиган ходимларнинг ҳаммаси ҳам бунақа пулга қодир эмас: кўпинча бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик иш ҳақи қунига 12 минг сўмдан кам.

Шунинг учун фермерлар теримчиларга пахта сотиш илинжида ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан келишиб оладилар ва улар орқали нормани бажармаганларга босим ўтказадилар.

Шаҳардан ташқарига йўл олган автобус ва маршрут таксиларини пахта далаларига ҳайдаётганлари ҳоллари ҳам қайд этилган. Жамоат транспорти ҳайдовчиларининг айтишича, Тошкентдан чиқаверишда йўл-патрул хизмати ходимлари йўналишдаги такси ва автобусларни ичидаги одамлари билан пахта далаларига жўнатаптилар.

Ўзбекистонда бугун пахта терим кампанияси бизнес, товламачилик, чайқовчилик ва таҳқиромуз қул меҳнатидан фойдаланишнинг жирканч қоринмасига айланган. Бу ишлардан ҳуқумат, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий раҳбарлар, қишлоқ раҳбарлари ва ҳатто фермерлар фойдаланаяптилар.

Ноҳақлик ва қул ишлатиш йўли билан етиштирилган хом ашёни сотиб олувчи трансмиллий компаниялар ҳам қуруқ қолаётганлари йўқ.

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон чегарачилари томонидан қирғиз фуқаросининг отиб ўлдирилишига норозилик сифатида расмий Тошкентга нога жўнатди.

Ўш вилоятининг Аравон туманида истикомат қилган Тўқуман Акматалиев 6 сентябр куни ўзбек-қирғиз чегарасида ўққа учган эди. Бу воқеа Ўш вилояти Аравон туманидаги «Оңорбоғ» номли жойда рўй берган.

Ўзбекистон тарафи тарқатган расмий маълумотга кўра, Қирғизистон фуқароси Тўқуман Акматалиев 6 сентябр куни соат 4:00 чамасида чегарани бузиб ўтиб, Ўзбекистон ҳудудига 150 метрга кириб кетган. Чегарадан ноқонуний ўтаётган фуқарони тўхтатиш мақсадида аввал ҳавога қарата ўқ отилган. Бироқ Тўқуман Акматалиев огоҳлантирувчи ўқ отилганига қарамай, ортга қайтмаган. Шундан сўнг ўзбекистонлик чегарачилар Акматалиевга қарата ўқ отишган. Акматалиевнинг жасади Қирғизистоннинг «Қизил-Қия» чегара пунктида 6 сентябр куни қариндошларига топширилган эди.

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигининг Тошкентга йўлланган норозилик нотасида, Ўзбекистон чегарачилари қўлида қурол бўлмаган қирғиз фуқаросига қарши ўқ отиб, адолатсиз ҳаракат қилгани таъкидланади.

- Қирғизистон фуқаросига қарши қурол қўллаш учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Чунки у қуролсиз бўлган ва Ўзбекистон чегарачиларига хавфхатар туғдирган эмас. Чегарачиларнинг бу ҳаракатини Ўзбекистон ва Қирғизистон дўстлик алоқаларига

путр етказувчи ҳаракат сифатида баҳоладик, - деди Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги расмийси Нуржигит Қадирбеков.

Тўқуман Акматалиевнинг яқин қариндошлари эса Ўзбекистон чегарачилари билдирган расмий версияга ишонмасликларини айтмоқдалар.

-Ўзбекистон чегарачилари укамни чегаранинг ичига 150 метр югуриб кириб кетганлигини айтишяпти.



ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ ЧЕГАРА МОЖАРОСИ СИЁСИЙ ТУС ОЛМОҚДА

Бу чегара ҳудуди тиконли симлар билан тўсилиб, хандақлар қазилган. Укам тиконли симдан ва хандақдан қандай қилиб югуриб ўтиб кетиши мумкин эди? Ҳали тиконли симдан ўтмай туриб, отиб юборишлари мумкин эди. Ундан кейин олд томондан отилган ўқ одамнинг орқа томонидан келиб тегмайдику, ахир. Укамнинг машинаси чегарадан 200 метр узокликда турган. Мен ўзбек чегарачилари укамни машинасидан зўравонлик билан чиқариб, Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтиб қалтаклашган ва шундан сўнг отиб

юборишган деб гумон қиламан. - деди марҳумнинг акаси Маматали Адиев.

Озодлик радиоси қирғиз хизматининг Ўшдаги мухбири Эрнис Нурматовнинг хабар беришича, Ўзбекистон чегарачиларининг Қирғизистон фуқаросига ўқ отгани чегара ҳудудига яшовчи маҳаллий қирғизларнинг қаҳр-ғазабларига сабаб бўлган. Ўзбекистон чегарачилари томонидан отиб ўлдирилган Найман қишлоғида истикомат қилган Тўқуман Акматалиевнинг ҳамқишлоғи Акматжан Дўстматов ўз ғазабини мана бу тарзда билдирди:

- Агар Ўзбекистон очикдан-очик уруш эълон қилса, унда келсин, ҳар ўнта аскарига бизнинг битта аскаримиз бас кела олади. Биз қирғизларнинг асабига ўйнашмасин, бир жинимиз келса нима қилишни ўзимиз яхши биламиз, - деди Акматжан Дўстматов.

Озодлик радиоси қирғиз хизматига суҳбат берган маҳаллий аҳоли вакилларида яна бири эса Қирғизистон ҳукумати маҳаллий аҳолига чегарани ва ўзларини ҳимоя қилишга имконият бермаётганини, агар мана шундай имконият берилса, Ўзбекистон томонига муносиб жавоб қайтаришга тайёр эканликларни айтган:

- Биз ҳам чегарани битта мушук ўтолмайдиган даражада қўриқлай оламиз. Ўзбекистонликлар отгани каби биз ҳам отиб ташлайверамиз. Бизнинг оёқ-қўлимизни ҳукумат боғлаб турибди холос, - деди маҳаллий аҳоли вакили.

ozodlik.org



Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ўзбекистон дохил 16та мамлакатни танқидчиларни таъқиб қилишда айблаган ва уларнинг ҳукуматлари би амаллар учун жавобсиз қолаётганларини айтган.

БМТнинг Инсон ҳақлари бўйича олий комиссари Нави Пиллай Инсон ҳуқуқлари кенгашининг маҳсус сессиясида чиқиш қилиб, янги баёнотга биноан, 16та мамлакат турли фаолларни қўрқитаётгани ва уларга қарши ҳужумлар уюштираётганини билдирди.

“Айрим шахсларга қарши босимлар ва қўрқитувлар борасида хабарлар келиши давом этаяпти. Одамларга ҳукумат расмийлари, жумладан юқори даражали му-

ЎЗБЕКИСТОН БМТ ИНСОН ҲАҚЛАРИ КЕНГАШИНING ҚОРА РЎЙХАТИДА

лозимларнинг баёнотлари билан таҳдид қилинмоқда. Уюшмалар ва ноҳукумат ташкилотларнинг фаолияти кузатилади ёки чекланади. БМТ билан ҳамкорлик қилувчи шахсларни ёмонотлик қилиш кампаниялари олиб борилади. Телефон, смс орқали ёки юзмаюз ҳолда таҳдидлар қилинади. Одамлар ҳибсга олинини, дўппосланиши, қийноққа солиниши ва ҳатто ўлдирилиши мумкин”, - деди Пиллай хоним. Женевада жойлашган кенгаш чиқарган ҳисоботда инсон ҳақлари фаолларининг ўлдирилиши, дўппосланиши, қийноққа солиниши, ҳисбга олинини, таҳдид қилиниши, таҳқирланиши ва ёмонотлик этилиши ҳоллари санаб ўтилади. Бу ҳолларнинг баъзилари Араб баҳори оқибатида юзага келаётгани таъкидланади. 2011 йил июнидан 2012 йил июлигача бўлган даврни ўз ичига

оluvчи ҳисоботда Ўзбекистондан ташқари, Қозоғистон, Жазоир, Баҳрайн, Беларус, Хитой, Колумбия, Эрон, Кения, Ливан, Малави, Руанда, Саудия Арабистони, Шри Ланка, Судан ва Венесуэладаги вазият чуқур таҳлил қилинган. Пиллай хоним Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва ҳукуматларни танқидчиларнинг овозини ўчириш амалларини тўхтатиш йўлида кўпроқ иш қилишга қақирди. “Бу каби босимларга яқун яшаш учун яхшироқ стратегиялар ишлаб чиқилиши керак. Босимлар нафақат номақбул, балки узок муддатга қаралса, самарасиз ҳамдир. Одамларнинг очик сўзлаш ёки ўз норозилигини эркин изҳор қилишларини бартараф этиш чоралари иш бермайди. Охир оқибат, озодлик барибир устун келади. Ахборот эса ҳар доим ташқи дунёга сирқиб чиқади”, - деди у.

bbc.co.uk/uzbek



эксперти Серкан Тёрен 17 сентябрдан 21 сентябргача Ўзбекистонда бўлишни режаландилар. Бирок куни қеча уларнинг Ўзбекистонга киришига Тошкент томонидан рухсат берилмагани маълум бўлди.
- Мамлакатда ҳозир пахта йиғим-терими кетаяпти ва мин-

чакирган. Немис депутати бу жорий йил мобайнида Ўзбекистонга сафар уюштириш бўйича муваффақиятсиз уринишларнинг биринчиси эмаслигини ҳам қайд этган.

“Чегара билмас мухбирлар” ва Uzbekistan Press Freedom Group ҳуқуқни муҳофиза қилиш ташкилотлари ҳам Ўзбекистон расмийлари қарори юзасидан таассуф билдирганлар. “Бошқа ишлардан ташқари, Марказий Осиёнинг бу мамлакатига ташриф чоғида немис депутатлари оммавий ахборот воситалари ва журналистларга нисбатан ўтказилаётган қагагонлар мавзусини ҳам кўтармоқчи эдилар”, дейилади “Чегара билмас мухбирлар” матбуот варақчасида. Хужжатда ҳар иккала ташкилот немис депутатларининг Германия учун стратегик жиҳатдан муҳим бўлган мамлакатга ташрифта катта умидлар боғлаганлари айтилади. “Термиздаги ҳарбий база Афғонистонга ҳарбий контингент ва юк жўнатиш учун юк ортиш-тушириш пункти сифатида фойдаланилаётгани важидан Берлин инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши муаммосига дахл қилмасликка уринган ҳолда Ўзбекистонга нисбатан эҳтиёткорлик билан муомала қилаётганди. Шу боис ҳам бундестаг депутатларининг бу соҳадаги камчиликлардан баҳс этиши муҳим эди”, дейилади матбуот варақчасида.

ozodlik.org

НЕМИС ДЕПУТАТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚЎЙИЛМАДИ

Германия парламенти айрим депутатларининг Ўзбекистонга қўйилмагани немис сиёсатчилари ва ҳуқуқ фаолларининг норозилигига сабаб бўлмоқда Германиялик депутатлар мамлакат Ташқи ишлар вазирлигидан бу борада Тошкентга босим ўтказишни талаб қилмоқда, дея хабар қилади “Немис тўлкини”.

Маълумотларга кўра, Бундестагдаги “яшиллар” фракциясининг ижрочи котиби Фолкер Бек, Германия социал-демократик партияси вакили бўлган депутат Ангелика Граф, Германия Христиан-демократик партияси вакили Юрген Клинке ҳамда Германия Эркин демократик партиясининг интеграцион сиёсат масалалари бўйича

глаб болалар ғайриинсоний шароитда ишлашга мажбур бўлаётдилар. Бу даврда немис делегациясининг ташрифта рухсат берилмаслиги ҳақидаги қарор [бу мамлакатда] болалар ҳақлари ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятнинг ёмон эканини кўрсатади, – дейди Социал-демократик партия фракцияси инсон ҳуқуқлари бўйича ишчи гуруҳи вакиласи Ангелика Графнинг 10 сентябр куни партия сайтида ёйинланган баёнотида.

У немис делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш учун Германия Ташқи ишлар вазирлигини Тошкентга босим ўтказишга

ЖОҲИЛЛИКНИНГ ЧЎҚҚИСИ

Абдураҳмон Муҳаммад
2012 йил 10 сентябрь

Ўзбекистон диктатори Каримов яқинда Қозоғистонга қилган ташрифи давомида Ўрта Осиёдаги сув танқислиги муаммоларига тўхтаб туриб, бу муаммо минтақада уруш чиқишига олиб келиши мумкинлигини айтган эди. Ажабо, минтақамиздаги маданий, маънавий ва тарихий жиҳатдан бир бирига биродар бўлган халқлар орасида бундай таранг вазиятнинг ўртага чиқишига сабаб нима? Тўғрироғи бунинг сабабчиси ким?

Бу саволга ҳеч иккиланмасдан бунга сабаб диктатор Каримовнинг сиёсати, дея жавоб бериш мумкин. Бугунги кунда дунёда глобаллашув, яъни мамлакатлар тараққиётини ва инсонларнинг ўзаро алоқаларини имкони борича қулайлаштириш учун давлатлар ўртасида чегараларни очиқ тутиш ва турли иттифоқлар ҳолида ҳаракат қилиш анъанага айланиб бормоқда. Аммо Ўрта Осиё давлатларида бунинг аксини кўриш мумкин. Ҳолбуки, Ўзбекистон учун энг қулай муносабат ўрнатиладиган ва барча

алоқаларни йўлга қўйишда муаммо бўлмаган давлатлар айнан Ўрта Осиёдаги бизга биродар давлатлардир.

Аммо мустақилликка эришилгандан бери Ўзбекистон билан қўшни давлатлар орасидаги чегаралар очиқ тутилиши у ёқда турсин, бу чегаралар қайта-қайта ёпиб қўйилди, ақлга ва замонавий халқаро сиёсат анъаналарига зид равишда бу давлатлар орасида виза тўсиқлари ўртага чиқди ва ҳатто чегараларни миналашга қадар борилди. Узини бутун халқнинг отаси ва тенги топилмайдиган доно сиёсатчи, дея танитишни яхши кўрадиган диктатор Каримовнинг бундай ташқи сиёсати аслида унинг жоҳил ва золим давлат раҳбарига эканлигига яна бир далилдир.

Бундай сиёсат натижасида минтақамиздаги давлатларнинг ўзаро муносабатлари “ноль” даражага тушди, бу халқларимиз орасидаги муносабатларнинг ҳам совуқлашувига олиб келди. Натижада ҳар ким ўз кунини ўзи кўришга мажбур бўлди. Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистонга қайта-қайта газ



ва электр таъминотини узиб қўйвергандан кейин бу давлатлар электр энергиянинг альтернатив манбаларини излашга тушишди ва буни электр станциялари қуриш билан амалга ошироқчи бўлишди. Ҳолбуки, бироз ақлли сиёсат билан бу давлатлар орасида чегараларни очиқ тутиш, давлатлар орасида турли соҳаларда (иқтисод, тижорат, божхона, ташқи сиёсат ва ҳ.к.) умумий сиёсатни йўлга қўйиш ва бу орқали дунё сиёсатида минтақанинг мустақиллигини яна-да кучайтириш мумкин эди.

Диктатор Каримовнинг жоҳиллиги бундай ақлли сиёсат ўтказишга монелик қилади, албатта. Агар минтақамиздаги давлатлар орасида Каримов айтаётгандек уруш чиқадиган бўлса, буни ҳам мана шундай жоҳилликнинг чўққиси, дея баҳолашимиз мумкин...

(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Махбуслар фақат қилмаган жинойтига иқроор қилиниши учун эмас, балки ўзлари билан бирга намоз ўқиган ёки Қуръон ўрганган бошқа инсонларга туҳмат қилишлари учун ҳам қийноққа солинадилар. Ўзбекистон ҳукумати ноқонуний диний фаолиятда бўлганлар учун уларнинг оила аъзолари ҳам жавобгар бўлаётганини очик эълон қилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, шубҳа остига олинганлар ёки қидирувда бўлганларнинг оила аъзолари гаровга олинмоқда, қамалмоқда, уларни қийнашларини айтиб, кўрқитилмоқда ва ҳатто қийноққа ҳам солинмоқда”.

Тенгиз Гудава:

Ўтган йили октябр ойида Тошкентда дабдабали суд ўтказилди – гўё 16 феврал портлашлари айбдорларини суд қилгандай бўлишди. Бу суд жараёни ҳатто каттароқ нарсага иддао қилди, гўё ислом терроризми устидан суд ўтказилган бўлди, ҳатто ислом терроризми паранжисини Президент Исломо Каримовнинг диктаторлик сиёсатига қарши бўлганларнинг барчаси устига тортишга даъвогарлик қилди. Бу судда 6 кишига ўлим ҳукми чиқарилиб, ҳукм ижро қилинди ва яна 2 кишига сиртдан ўлим ҳукми чиқарилди. Бу ўлим ҳукмлари дунё инсон ҳақлари ҳимоячиларида чуқур шубҳалар уйғотмоқда, ҳукмлар қийноқлар остида олинган иқроорлар устига қурилган, деган шубҳа бор. Аммо яна бир судланувчи, дунёвий муҳолифат лидери, “ЭРК” Партияси раиси Муҳаммад Солиҳга нисбатан чиқарилган қамок ҳукмининг мутлақо асоссизлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ – ёзувчи ва шоир Муҳаммад Солиҳ устидан қийноққа солинган гувоҳлар кўрсатмасига асосан ҳукм чиқарилган, бунга далиллар бор.

Хьюман Райтс Вотч ташкилоти докладыдан:

“Ўзбекистонда қамокқа олинган шахс ўзининг ноқонуний равишда ҳибсга олингани ҳақда ёки ўзига нисбатан ноқонуний муносабатлар кўрсатилаётгани ҳақда, суд бошланмағунига қадар, судга шикоят билан мурожаат қилолмайди ва бу мавжуд халқаро нормаларнинг қўпол равишда бузилишидир”.

Мухбиримиз Инера Сафар “ЭРК” Партияси бош қотиби, собиқ махбус Отаназар Орипов билан суҳбатлашади.

Ирена Сафар:

- 1999 йил феврал воқеалари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига қандай таъсир қилди?

Отаназар Орипов:

- Портлашлардан сўнг шундоқ ҳам мураккаб вазият янада мураккаблашди. Ўзгача фикрловчиларга қарши босим яна ҳам кучайди. Бу

бошқача ғояларга чидамсизлик сиёсати фақат бир киши томонидан йўналтирилмоқда. Портлашлар ушбу сиёсатнинг мутлақо яроқсизлигини, сиёсий системанинг тузатиб бўлмас даражада хасталигини кўрсатувчи симптомдир.

Инера Сафар:

- Ўзбекистондаги суд системаси қандай принципга асосланган?

Отаназар Орипов:

- Ўзбекистондаги суд системаси суд ишининг асосий принципини – айбсизлик презумпциясини бузмоқда. Бу принцип айбдорлик презумпциясига айлантирилган. Яъни, ҳар бир инсон шубҳа остида сақланади. Иккинчи жиҳат шундан иборатки, Ўзбекистон судида, худди Сталин давридаги каби, айбига иқроор бўлиш асосий далил сифатида қабул қилинади. Шунинг учун ҳам иқроор қилдириш асосий мақсадга айланган, махбусларни “иқроор” қилдириш учун ҳамма нарса ишга солинади, қийноқларнинг кенг қўлланилаётгани ҳам мана шундан келиб чиқмоқда. Қийноқларнинг хилма-хил турлари ишга солинмоқда. Суд системаси бугун мутлақо яроқсиз ҳолга келган, одамлар адолатли судга ишонмай қўйганлар. Кўплар феврал портлашларини ҳукуматнинг ўзи уюштирган, демоқда. Биз ҳам, 50 фоиз ҳукуматнинг бу портлашларда қўли бор, деб ҳисоблаймиз. Бутун бу суд жараёнлари, портлашлар ҳақидаги фильмлар, китоблар ҳақиқатни очишга эмас, балки, аксинча, берки-тига қаратилгандир.

Ирена Сафар:

- Билишимча, портлашларда Муҳаммад Солиҳ ҳам айбланган? Отаназар Орипов:

- Муҳаммад Солиҳни исломий ҳаракат ва унинг раҳбарлари орқали айблашмоқда. Судда гувоҳ сифатида қамокдан Муҳаммад Солиҳнинг укаларини олиб келишди. Суддан кейин, улар ҳукуматга ёлмаган кўрсатмалар бергани учун мислсиз қийноқларга солиндилар – Муҳаммад Солиҳнинг бир укасининг уриб оёғини синдиришди, иккинчи укасининг эса зарбалардан бир кўзи кўрмайдиган бўлиб қолди.
”СВОБОДА” РАДИОСИ,
20.02.2001

Баҳром Мўминохунов билдириши

Мен, 1958 йилда туғилган Ўзбекистон фуқароси Баҳром Мўминохунов, ўзимнинг бир сиёсий қотилликнинг тайёрланишига гувоҳ бўлганим ҳақда маълум қиламан. Мен бу қотилликнинг тайёрланишида асосий гувоҳман.

1999 йилнинг сентябр ойида менинг уйимга тижорат ишлари билан бир чечен гуруҳи келди, улар гап орасида ўзларининг Ўзбекистон муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ билан

таниш эканлигини айтиб қолишди ва бу суҳбат Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлигига етиб борди. Шунда Ўзбекистон Ички Ишлар вазири Зокир Алматов, Ички Ишлар вазирлиги ходими Ботир Турсунов, Интерпол директори Маҳмуд Ҳайитовлар менадан ўша чечен гуруҳи билан учраштиришни сўрашди. Мен уларнинг илтимосини бажардим. Учрашув пайтида чеченларга Ўзбекистон муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳни ўлдириш учун 2 миллион доллар ваъда қилишди. Биз чеченлар билан маслаҳатлашиб, бу ҳақда Муҳаммад Солиҳни огоҳлантиришга қарор қилдик. Бу ҳақда хабар топганидан сўнг Муҳаммад Солиҳ, Каримов режимининг жинойткорона режасини фош қилиш мақсадида биздан Ички Ишлар вазирлигининг таклифини қабул қилишимизни илтимос қилди. Бугунги кунда бу Каримов режимининг жинойи моҳиятини тўла фош қиладиган материаллар етарлича тўпланди.

Менинг куйидаги бутун гапларим ушбу хужжатларга асослангандир: Менда Интерполнинг Ўзбекистон бўлими директори М. Ҳайитов билан ўтказган музокараларим акс эттирилган видео ва аудио ёзувлар мавжуд – бу ерда очикдан-очик ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳни ўлдириш буюртма қилинади.

Мен 25 апрел куни Тошкент вақти билан соат 8 да Ички Ишлар вазири Зокир Алматов, терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи Ботир Турсунов ва Ўзбекистон Интерполи директори Маҳмуд Ҳайитовларнинг Ўзбекистон Президенти Исломо Каримов томонидан унинг резиденциясида қабул қилиниб, биргалликда ушбу буюртма муҳокама қилингани ҳақда гувоҳлик бераман.

2000 йилнинг сентябр ойида чечен гуруҳига “бу акцияни тайёрлаш учун” 135 минг доллар нақд берилди. Қотиллик учун тўла тўлов Муҳаммад Солиҳ йўқ қилинганидан сўнг берилиши керак эди. Пул мавзуи – менинг Интерпол директори Маҳмуд Ҳайитов билан бўлган суҳбатларимдаги асосий мавзудир, чунки фақат шу мавзугина бу суҳбатдошларимнинг қалбини очишга қодир эди. Чунки 2 миллион доллардан 1 миллионини полковник Ботир Турсунов ва ўзбек Интерполи директори Маҳмуд Ҳайитов бўлиб олишлари керак эди.

Ўзбек ҳукумати бизга ишонини учун биз Муҳаммад Солиҳдан бир неча ҳафта беркиниб туришини ва унинг қариндошлари унинг йўқолиб қолганини эълон қилишларини илтимос қилдик ва бу нарса ҳақиқатга яқин даражада ижро қилинди. Қотиллик буюртмачилари ишон-

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)
гандай бўлиши, аммо чеченларга қолган 870000 долларни тўлаш учун Ботир Турсунов ва Махмуд Хайитов мухолифат лидери жасаднинг расмийлар томонидан танилиши ва “ЭРК” Партиясининг радио орқали “Муҳаммад Солихнинг жасади фалон жойда топилди,” деган баёноти берилишини талаб қилишди. Бу гапларнинг ҳаммаси аудио-лентага ёздириб олинган.

26 апрел куни Ботир Турсунов ва Махмуд Хайитов “пулни бўлиб олиш” масаласини батафсилроқ муҳокама қилиш учун Хавфсизлик хизмати раисининг бир ўринбосари билан Москвага, менинг ёнимга келишди. Улар тезроқ пулни олишдан жуда манфаатдор эдилар, шунинг учун мени тезроқ “ўлдирилган мухолифат лидерининг шахсини тасдиқлаш”га ундашди. Биз бу талабни бажара олмаганимиз учун ўйинни суҳбат энг очиқ-ойдин ва энг чўққи нуқталарга чиққан бир пайда тўхтатишга мажбур бўлдик. Аммо бу бир ярим йил ичида тўпланган материаллар ғайриинсоний Каримов режимининг кўркинчли башарасини тўла очиб ташлаш учун етиб ортади. Баҳром Мўминохунов
10.05.2001

ХОТИРЖАМЛИК ГАРОВИ ЁКИ МУДҲИШ РЕЖА

Муҳаммад Солих Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўзига суиқасд уюштиришга уриниш бўлгани ҳақида баёнот берганидан кейин И. Каримов тарафдорларидан бир киши (аниқроғи уч киши) ББС ва “Озодлик” радиолари орқали бу масалага муносабат билдирдилар. Ўзбекистон ҳукуматининг матбуот котиби Рустам Жумаев Ўзбекистон расмийлари номидан суиқасддан омон қолган Муҳаммад Солихга қарши очикдан-очиқ ҳақорат тошлари отган бўлса, қолган иккитаси тингловчиларни ишонтириш мақсадида бетараф, ҳолис одам ролини ўйнашга ҳаракат қилди. Сиёсий мунозара маданияти тарихидан шу нарсани кузатиш мумкинки, мунофик сиёсатчи ўзи ҳимоя қилаётган шахснинг мудҳиш кирдиқорлари фош бўлиши арафасида психологик жиҳатдан шаллақ кўппак ҳолатига тушади. Сиёсий мунозара маданиятини, этикасини унутиб, оғзидан кўпик сочиб, мантиқсиз фикрлар айтишдан, ҳақоратлар ёғдиришдан ўзини тия олмай қолади. Суиқасд воқеасига муносабат билдирар экан, Рустам Жумаев худди ана шундай ҳолатга тушди. Ҳатто Муҳаммад Солихни “сиёсий мурдага айланган одам” дейишдан ҳам тоймади. Аслида, мазкур ҳақоратли ибора Ка-

римов режими ўз кўғирчоғига айлан-тириб улгурган сиёсий партияларга муносиб экани ҳар бир соғлом фикр соҳибига кундай равшан. “ЭРК” Демократик партияси ва унинг лидери Муҳаммад Солих Каримов режимининг асосий демократик мухолифидир. Ушбу мудҳиш режа замирида ана шу ҳақиқатни Каримов режими томонида пинҳона тан олиниши ётади. Мудҳиш режа фош этилгани билан пинҳоналик ошқораликка, Каримов режимининг бу ҳақиқатни тан олиш оҳангидаги ошқора чинқириғига айланди. Бугун бу шармандали чинқириқни бутун дунё эшитиб, кўриб турибди. Саросимага тушган Рустам Жумаев эса мавжуд далилларни, магнит ленталари, фотосуратлар ва видео кассеталарни “сохта далиллар”, деб айтади. Халқимизда “ҳар ким ўз қаричи билан” деган нақл бор. Жумаев Каримов режимининг ўн бир йиллик бой тажрибасидан келиб чиқиб, айтди бу сўзни. Узи билмаган ҳолда у Каримов режими бегуноҳ инсонларни сохта далиллар асосида жазога тортаётганини, шу жумладан, “16 феврал воқеалари” асосида ишланган видеофильм ҳам сохта эканини ошқор этиб кўйди.

Р. Жумаев замонавий техника ёрдамида бундай сохта далилларни ёш бола ҳам монтаж қила олиши мумкинлигини урғулар экан, худди ана шу замонавий техника ёрдамида бу далилларнинг ҳақиқийми ёки сохта эканини ҳам бир зумда аниқлаш мумкинлигини, бугунги кунда бу далилларнинг ҳақиқийлигини эътироф этаётган Норвегия ҳукуматининг одамлари бу қалтис вазиятда Муҳаммад Солихнинг хавфсизлигини таъминлаш жараёнида суиқасдга уриниш воқеасининг боришини бевосита кузатдилар, яъни бевосита бу воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Шу сабабли Норвегия матбуоти ҳам Каримов кирдикорларини дадил ёзмақда. Бетгачопарлик никоби остида халқаро эфирга чиққан Каримов режимининг иккинчи ҳимоячиси (исмини яхши эшитолмаганим учун ёзмадим) ўзига топширилган бетарафлик ролини эплай олмади. Ўзининг “бетараф”лигини унутиб, ЭРК партиясининг шаънига ҳақоратомуз фикрлар айта бошлади. ЭРКни “чўқаётган партия” деб аташгача бориб етди. Бу ибора ўзининг мазмуни ва моҳият эътибори билан тўлалигича Каримов режимига тааллуқлидир. Фикримнинг замини учун лозим бўлса, минглаб мисоллар келтиришим мумкин. Мисол излаб узокка боришининг ҳам ҳожаги йўқ. Бугун И. Каримовни бутун дунёга шарманда этган ушбу суиқасд уюштиришга уриниш воқеасининг ўзи ҳам қайси томон чўқаётганини кўрсатувчи яққол далилдир. Ка-

римов режими ишонч билдирган Баҳром Мўминохунов – чўқаётган кўрқув салтанатининг даҳшатли панжалари орасидан кутулиш учун нажот излаётган минглаб Каримов “яқин”ларининг ёрқин тимсолидир. Каримов раҳбарлигида ўтадиган ҳар бир мажлис бир спектакль. Бу спектаклда барча мажлис иштирокчилари Ўзбекистон тараққиётига тўсиқ бўлаётган бюрократлар, порахўрлар, таъмагирлар, лапашанглар ва ҳаказо шунга ўхшашлар ролини ўйнаганлари каби, Каримов эса, юртнинг порлоқ келажаги йўлида уларга қарши курашаётган миллий қаҳрамон ролини ўйнаши керак. Эътироф этиш лозим, Каримов бу спектаклларда ўз ролини катта маҳорат билан, маромига етказиб ижро этади ва бошқалардан ҳам шундай артистлик маҳоратини талаб қилади. Бу спектаклда рол ўйнашни истамаганлар қамалади. Ижрочилик маҳорати заифлар эса ишдан кетади. Бугунги кунга келиб, ана шундай артистлик қилишлар, мудҳиш ишларга даъват этишлар сассиқ алафдек Каримов яқинларининг кўнглига теккан.

Гирром йўл билан президентлик муддатини узайтирган ва ўша онларда: “Ушбу муддатим узайтирилиши қонуний бўлиши учун, бу узайтирилган муддатни менинг иккинчи, яъни қонунга қўра охириги марта сайланишим бўлди, деб ҳисобланглар”, дея дабдабали ҳолда эълон қилган Каримофф... Оуфф!..

Шу дабдабали гапларидан кейин, яна навбатдаги сайлов арафасида қонли воқеалар уюштириб, мунофиқлик, фирромлик ва безбетлик билан учинчи марта сайланишдан ор қилмаган Каримофф... эндиликда умрбод президент бўлиш умидида яна кўплаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўладиган қонли воқеаларни уюштирмаслигига ким қафолат беради?

Даҳшат!... Даҳшат кетидан даҳшат!... Бу даҳшатларни ўйлаб, ҳозирдан оғриқ бошимга зирқираб оғриқ тудди. Каримов бу бош нима учун оғриганини аниқласа, тамом, қамалишинг аниқ! Нима кераги бор бунинг? Нима фойдаси бор бунинг? Муҳаммад Солих каби одамларнинг иддаоларига бир фитна деб қарасанг, улар келтирилган далиллар қанчалик ҳаққоний бўлмасин, кўзингни чирт юмиб, Бек Нормухаммад айтганидай, барибир ишонмасанг, бу даҳшатларнинг ҳаммасидан бирйўла кутуласан. Ишонмаслик хотиржамлик гаровидир. Мана, бошдаги оғриқ ҳам кетди. Хайрият, ҳаёт яна бир маромда давом этадиган бўлди. Ҳаёт осуда, ҳаёт гўзал. Хотиржамликка нима етсин.

(Давоми келгуси сонда)

БАНКА ҚЎЙИШ / ЗУЛУК БИЛАН ДАВОЛАШ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Банка қўйиш

Ҳеч бир ён таъсири бўлмаган, ҳавф-хатарсиз, осон тадбиқ қилинган, харажатсиз, тез ва узоқ вақт таъсир кўрсатган, минглаб йиллардан бери қўлланиб келинаётган банка қўйишни истаган киши амалга ошира олади. Фойдаси ва бажарилиш шакли билан қон олдиришга ўхшагани учун банка қўйишнинг иккинчи номи “кичик хожамот” дир.

Лиқилдоқ ва энса чуқуридан ташқари, вужуднинг исталган ерига банка қўйиш мумкин.

Банка қўйиш учун энг мос жойлар:

Елкага, елканинг ўрта қисмига ва ёнларига қўйилган банклар (охирги қовурга суягига умуртқанинг икки тарафи) ўпка, жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости беши, ошқозон касалликлари ва оғриқлари, юқори қон босими, умуртқада туз йиғилиши ва бўйин чуррасига (грижасига) жуда мос келади.

Белга (охирги қовурғанинг суягидан бошлаб, думғазага қадар умуртқанинг икки тарафи) қўйилган банка бел оғриги, юқори қон босими, буйрақлар, жинсий касалликларга мос келади.

Чаккаларнинг паст қисмига (қулоқларнинг олдига) қўйилган банка кўз, бурун, лаб, қулоқ, томоқ, бўйин, тиш ва милк хасталиқларига фойдали; мияни тозалайди, юз терисини чиройли қилади.

Қулоқнинг пасти ва бир оз орқасига қўйилган банка қулоқ, бурун, кўз хасталиқларига, олд тишларга ва ўткир тишларга, бош оғриғига, жигар ва ўт пуфаги санчикларига, бош титрашига яхши бўлади.

Жағнинг пастки қисмига қўйилган банка бош ва юз аъзоларининг касалликларига (жағ, кўз, бурун, қулоқ, лаб, тиш, тиш милиги ва яноқлар), бўйин аъзолари хасталиқларига (товуш пайчалари, тироид ва лимфа безлари хасталиқлари, бўйин чурраси, бодомсимон безларнинг (ангинанинг) шишишига яхши даволайди.

Қўкрак усти, пасти ва қўкрак учларига қўйилган банклар қўкрак сиқилишларини тарқатади, она сутини кўпайтиради.

Анус ва жинсий аъзо орасига қўйилган банка простата хасталиқларига, бавосил (геморрой) ва фил касаллигига (элефантиазга), хайз тартибсизлигини даволайди.

Анусга қўйилган банка бошдан ва бутун вужуддан қонни пастга туширади. Барча аъзоларга ва вужудга хотиржамлик бахш этади. Асосан, ичакларга, простата хасталиқларига ва хайз тартибсизлиқларига яхши даво бўлади.

Сонларнинг ички қисмларига

қўйилган банклар сон ва тўпик оғриқларига, бавосил (геморрой), корин ва кориннинг пастки қисми чуррасига (грижасига), подагра хасталигига яхши даво бўлади.

Сонларнинг олд қисмига қўйилган банка моякларнинг ишиши, сон ва болдир яраларига яхши шифо беради.

Сонларнинг орқа қисмига қўйилган банка юқори қон босимини туширади, бош оғриғини тиндиради, сонлардаги яра ва оғриқларни кетказди.

Тўпикларга қўйилган банка хайз тартибсизлиқларига, қуймич асаб толасининг яллиғланиши оғриқларига, подагра хасталиқларидан ҳалос қилади.

Киндикнинг уст қисмига қўйилган банка ёлларни тарқатади, терини гўзаллаштиради, чуррага, ошқозон ва корин оғриғига яхши даво беради.

Киндик чуқурига ярим литрлик банка ёпилса, бу қорин оғришини ва хайз оғриқларини кетказди.

Киндикнинг паст қисмига қўйилган банклар буйрақдан сийдик йўлига тушган тошни сийдик пуфагига туширади, мояклар ва жинсий йўллардаги тикилишларни очади ва киндикнинг уст қисмига қўйилган банклар берадиган фойдани беради.

Банка қўйиш учун 50 гр., 100 гр, 150 гр, 200 граммлик банклар, пахта ва узун ёндиргич қўлланилади.

Банканинг тубини майда бир қатлам ҳолида ёпишга етарли кичик пахта парчаси жойлаштирилади ва ёндиргичга ёки керакли жойга ёпиштирилади ва аҳволига кўра 10-20 дақиқа (баъзан 1-1,5 соатга қадар) қутилади. Сўнгра, банканинг оғзига энг яқин бўлган терига бармоқ билан бостирилиб, банканинг ҳаво олиши таъминланган ҳолда банка олинадиган ва банка ўрни бир оз массаж қилинади.

Болалар, озгин ва кекса кишилар учун 50-100 граммлик банклар қўлланилади. Банклар, илк маротаба қўйилганда фақат 3-5 дақиқа қутилади. Қутиш вақти ундан кейин 15 дақиқа чўзилиши мумкин.

Юз ва чакканинг пастки қисми учун ҳам 50-100 граммлик банклар қўлланилади. Юз ва чакка пастига қўйилган банкларнинг қутиш муддати 1 дақиқадан бошлаб, 10 дақиқача чўзилиши мумкин.

Банкалар бир жойга икки кунда бир ёки уч кунда бир 5-7 марта қўйилиши мумкин. Сўнг бошқа жойга ўтилади. Эҳтиёжга кўра, 1-3 ойдан сўнг айна жойга такроран қўйилади. Навбати билан, кетма-кет тананинг барча қисмига қўйилган банкларнинг ҳеч бир қўшимча таъсири ва зарари йўқ. Банкларнинг изи соғлом инсонларда равон, кизғиш ранг олади ва тезда тарқайди. Банка изи равон

бинафша рангда бўлса, қондаги захарли модданинг кўплигини, равон бўлмаган доғли бинафша рангда бўлса, майда томирларда янги тикилишлар мавжудлигини намоён қилади.

Қўйилган банклар ҳеч бир из қолдирмаси, банка қўйилган жойда қон айланиши қийинлигидан далолат беради. Яъни ёғ ва балғамдан томирлар тикилади ва аъзолар озуқа ва кислород етишмасдан, қийналиб қолади.

Бу қаттиқ тикилишларни ҳаракатга келтириш ва чиқара билиш учун тез ҳаммомга тушиш, вужудни уқаламоқ, ҳаммомдан кейин седана ёғи билан аралаштирилган зайтун ёғи ёки сирка ҳамда аччиқ қовун шарбати (“Дорилар” бўлимига қаранг) билан баданни массаж қилиш керак. Буларни бажаргандан сўнг, кучли банклар қўйилади ва қон олдирилади.

Оғир касалликларда фақат касалликнинг шиддати озая бошлаганда ва иситма сўна бошлаганда банка қўйилиши мумкин.

Банка ҳамма вақт қўйилиши мумкин, аммо бу иш учун энг яхши вақт “Қон олдириш вақти” бўлимида кўрсатилган вақтлардир.

Эслатма: Юз ва бўйинга тез қўйилган қувватли банклар кўришнинг заифлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Олов билан банка қўйишнинг биргина ҳавфи - беморнинг ёнган пахта билан ёнишидир. Аслида бу шаклдаги ёнишнинг ҳеч бир зарари йўқ, аксинча, фойдаси бор: яхшиланиш янада чуқур ва самарали бўлади. Қадимги табиблар умуртка ва бўғим хасталиқларида терини ўзига хос ёкиш билан банка қўйишган.

Зулук билан даволаш

“Дориларнинг ҳайрлиси бурунга тортилган ва оғизга олинган дорилар, бўшаштирувчи дори, хожамот ва зулук ёрдамида қон олдиришдир” (Ҳадиси Шариф)

Дарё, кўл ва ирмоқларда яшган, Аллоҳ тарафидан инсон ва ҳайвонларнинг томирларини тозалаш вазифаси берилган зулуклар азалдан шифо учун қўлланилади. Зулук инсон ва ҳайвонларга ниш уриб, томирлардаги тикилмаларни очадиган, қуюқ қонни оқувчи қиладиган 105 хил фермент ишлаб чиқаради. Сўнгра вужуднинг энг чуқур қатламларидан энг ёфос қонларини сўради.

Зулуклар эски яраларда, эгзема, кичима, садаф (псориаз), пес (вителиго), замбуруғ, сарамас туфайли юз берган тери касалликларида қўлланилиши мумкин.

(Давоми кейинги бетда)

ЗУЛУК БИЛАН ДАВОЛАШ

Давоми боши олдинги бетда

Жарроҳлик амалиётидан кейин қолган яраларга, чирикларга, кўқарган жойларга, сепкилларга ҳам қўйилиши мумкин.

Веналарнинг кенгайиши (варикоз) ва бавосил (геморрой) каби, томирлардаги тикилмаларни ва қон айланиш бузукликларидан пайдо бўлган ҳар ҳолатда; тиронид, гипофиз, мойк, эркалик беши, простата, бачадон, юрак, жигар, талок, ўпка, кўз ва қулоқ хасталикларининг; мултипл склероз, алзгеймер, фалажлик (паркинсон), чурра (грижа), ҳароратли шишлар, чипқон, гангрена каби хасталикларни даволашда қўлланилади. Зулук юз, кўз, бош, бўйин, елка, бел, орқа, бачадон оғзи, думғазага ва ҳар аъзога қўйилиши мумкин.

Кўз жароҳатидан кейин ортирилган кўз қон босими, кўз томирларининг қонаши, кўзёши каналининг тикилиб қолиши, говмичча, бошланғич катаратка (кўз гавҳарининг хираланиши, парда тортиши) учун кўзга яқин жойларга, мисол учун, кўзнинг ташқи ва ички бурчагига, пастки ва устки қовоқларига, чаккалар остига ва чаккаларга;

Мияда томир тикилмалари ва қон айланиш бузуклиги, тутқаноқ (эпилепсия), мултипл склероз (MS), алзгеймер, паркинсон ва устки тиш миллиги хасталикларининг учун устки тиш милкларига, бош орқасига (энгсага), бурун ичига, икки чаккага, қулоқлар орқасига, бўйинга ва жағнинг пастки қисмига;

Тутқаноқ (эпилепсия) хасталиги, оғиз ва тил яралари учун бурун ва оғиз ичига, тил остига ва тилга;

Бачадон, тухумдон, тестис ва простата касалликларида пастки тиш милкларига, қориннинг пастки қисмларига, анусга, анус билан жинсий аъзо орасига, мойкка, ҳатто бачадон оғзига;


Жигар ва талок хасталикларида курак суякларининг орасига, курак суякларининг пастки қисмига, кўқарқларнинг пастки ва оёқларга;

Бел ва бўйин чуррасида (грижасида) чурра жойига зулук қўйилади.

Тиронид беши хасталикларида тиронид устига зулук қўйилади.

Зулук қўлланиши учун энг яхши мавсум - баҳор, иккинчиси - куз.

Энг яхши зулуклар кичик, қора ранг, жигаранг, тупроқ рангли, нозик, каламуш куйруғига ўхшаган ва боши кичик бўлади. Улар суви тоза, усти яшил ўтлар билан қопланган, қурбақаси кўп қўллардан тўпланган ва ҳовузда етиштирилган зулуклардир. Яшил, мовий, қора ва қатта бошли, қорни қизил ва сирти яшил бўлган зулукларни; чириган, қурбақа яшамайдиган ва тез оққан сувларда яшаган зулукларни қўллаб бўлмайди. Бундай зулукларнинг қўлланиши



ортикча қонашларга, яраларга ва шишларга сабаб бўлиши мумкин.

Зулуклар қўллардан тўпланса, қўлланишдан 1-2 кун аввал тўпланади, куйруғидан ушлаб, бошларини пастга қаратиб, қустирилади, сўнгра сувга ботирилиб ювилади, ярмигача сув билан тўлдирилган банкага жойлаштирилади ва қўлланиш вақтига қадар (2-3 кун) қутилади. Зулук қўйишдан аввал баданнинг керакли жойлари илик сув билан ювилади ва қуритилгандан сўнгра курак мочалка билан массаж қилинади. Сўнгра зулуклар мато парчаси билан олинади ва тайёрланган жойларга қўйилади. Зулуклар энг муҳим нуқталарни ўзлари топадилар ва вужуднинг энг ифлос қонини эмадилар, тўйгандан сўнгра тушадилар. Қўйилган жойидан узок муддат тушмаган зулуклар устига бир оз сув, туз сепади. Зулуклар тушгандан сўнгра қонашни бир муддат кўп давом эттириб, янада кўпроқ чиқинди моддаларни чиқариш ва ярани тозалаш учун зулуклар чакқан нуқталар устига банка қўйилади. Шилимшиксимон оқинди, газ ва тикилмалар кўп бўлса, булар тугагунча бир неча маротаба банка қўйиш лозим.

Қонашни 6-12 соат тўхтатмаслик керак. Чунки ташқарига фақат қирли қон чиқади, вужудда тоза қонни ташқарига чиқарувчи бир механизм йўқ.

Сўнгра қонаётган жой курак, тоза бир латга билан ёпилади. Қонаш яна давом этса, зарурат туғилса, анор пўсти ёкилиб, унинг қули ёки янчилган пўсти сепади ва боғланади.

Машхур табибларга кўра, бундай ҳолатларда эснаш, ошқозон айнаши ва хушдан кетиш хисси пайдо бўлгунча қутиш – энг яхши ечимдир. Бу ҳолат қон ҳажмининг 20 фоизидан кўпи йўқотилгунча қўрилади. Қон йўқотилганда илк таҳлика - қон ҳажмининг 30 фоизидан кўпи (тахминан 1,5 литрдан ортик қон) йўқотилгандан кейин пайдо бўлади.

Аммо иммунитет тизимининг ишга тушиши натижасида, бу хавф туғилишдан олдин одам табиий равишда ҳушидан кетади. Ҳушидан кетганда юрак уришлари секинлашади, қон босими тушади, қонаш ўз-ўзидан тўхтади.

Шу кунгача зулук билан даволашда қонашдан ҳушини йўқотган бир одамни мен учратмадим.

Зулук давосида зулук сони, қўллаш тезлиги ва қонаш муддати беморнинг қон ҳолатига кўра тартибга солинади.

Зулукларни сақлаганда ҳар кун ёки икки кунда бир сувини алмаштириш, қўлланилган зулукларни кўл ёки тоза оқар сувга ташлаш лозим.

Зулуклар 3-6 ойда бир марта озикланадилар. Улар эмиб олинган қон микробли бўлса ҳам, микробни ҳазм қилиб юборишади. Шу сабабдан, улар микробли касаллик ташимайдилар.

Эслатма:

Қонни суюлтирувчи дориларни қўллаётган кишилар зулук қўйишдан 5-7 кун аввал дориларни олишни тўхтатишлари лозим.

Гилос ва лимон қонни суюлтириши сабабли зулук қўйишдан 3 кун аввал ва зулук қўйилган кун бу меваларни емаслик керак.

Гемофилия билан оғриган беморларга зулук қўйилмайди.

Оғрикни кесувчи, температура ни тушурувчи, аспирин ва антибиотик дориларни кўп қўллаган кишиларнинг қон ишлаб чиқариш тизими зарарланган бўлиши мумкин. Бундайлар зулук қўйишни 3 донга зулук қўйишдан бошлаб, икки сеанс орасида энг оз 3 ҳафта бўлиши керак. Бундай беморлар зулук давосини қон назорати билан амалга оширишлари, зулуклар тушгандан кейин қонашни тўхтатишлари керак.

Ҳайзли аёлларга, тўқ қоринга ва таҳоратсиз кишиларга зулук қўйилмайди.

Орган (аъзо) алмаштиришни бошидан кечирганларга ва диализга боғланиб қолган буйрак касалликлари билан оғриганларга зулук қўймаслиги лозим.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
www.gercektip.com/uz
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолитдин Йўлдош